БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши № 6 (12.359) | Сешанба, 8 январь 1963 йил | Баҳоси 2 тийин.

Халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми принциплари асосида қаттиқ ҳимоя қилиш, бу бирликка путур етказадиган ҳар қандай ҳаракатларга йўл қўймаслик — миллий мустақиллик, демократия ва тинчлик учун, социалистик революция вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш учун, социализм ва коммунизм қуриш учун олиб борилаётган курашда ғалаба қозонишнинг зарур шартидир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программасидан.

ТИНЧЛИК ВА СОЦИАЛИЗМ ТАНТАНАСИ ЙЎЛИДА КОММУНИСТИК ҲАРАКАТ БИРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

Ҳозирги вақтда инсоният ўз тараққиётининг энг масъулиятли босқичларидан бирида турибди. Бу босқич жуда катта воқеаларни ҳамда социализм ва тинчлик кучларининг империализм, реакция ва уруш кучлари билан ўткир тўқнашувларини ўз ичига оладиган. Янги дунё — социализм, озодлик ва бахт-саодат, инсониятнинг чинакам баҳори дунёси — мустаҳкамланиб ва кенгайиб бормоқда, эски дунёни — капитализм, зулм ва эксплуатация дунёсини қисиб бормоқда. 1962 йилнинг якунлари бунинг янги ёрқин далилидир.

Совет Иттифоқининг, бошқа социалистик мамлакатларнинг ташқи сиёсий фаолиятида, Куба халқининг, барча тинчликсевар кучларнинг қаҳрамонона курашида ўтган йилнинг асосий якуни шу бўлдики, АҚШнинг агрессив империалистик доиралари томонидан Кубага қарши синчиклаб тайёрланган ҳужум барбод этилди. Социалистик Куба сақлаб қолинди ва ўзининг зафарли йўлини давом эттирмоқда. Инсоният устида пайдо бўлган жаҳон термоядро уруши хавфи даф қилинди. Социализм ва тинчлик кучлари империалистик агрессорларни жиловлаб қўйишга қодир эканлиги яна бир марта исботланди.

Совет халқи, бошқа социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари олиб борган яратувчилик ишининг асосий якуни шундан иборат бўлдики, экономика ва маданият зўр куч билан юксалиб борди, социалистик ҳамдўстликнинг қудрати мустаҳкамланди, унинг халқаро миқёсдаги обрўси ва таъсири ўсди.

Миллий озодлик ҳаракатининг асосий якуни шу бўлдики, собиқ мустамлака дунёсининг бепоён жуда катта ерларида империализмга қарши революциялар тантана қилди, бу ҳаракат янги, тағин ҳам юксак босқичга кўтарилди.

Капиталистик мамлакатлардаги ишчилар ҳаракатининг асосий якуни шу бўлдики, меҳнаткашларнинг янги табақалари ўткир синфий жангларга тортилди, монополистик капиталнинг зулми ва ўзбошимчалигига қарши кураш кучайди, коммунистик партияларнинг ва социализм идеяларининг таъсири кенгайди.

Халқаро коммунистик ҳаракат ажойиб муваффақиятларга эришди. Бунинг сабаби, аввало, шуки, бу ҳаракат ўз курашининг ҳамма босқичларида марксизм-ленинизм байроғига қатъий содиқ бўлиб қолди, ўзининг бутун фаолиятида мана шу зафарли таълимотга амал қилиб келди. Коммунистлар 1957 ва 1960 йиллардаги Москва Кенгашларида янги тарихий шароитларга жавоб берадиган стратегия ва тактика йўлини ишлаб чиқдилар. Жаҳон тараққиётининг бориши шу йўлга содиқлик, коммунистик ҳаракатнинг бирлиги ҳамма ғалабаларнинг гарови эканлигини шак-шубҳасиз исботламоқда.

КПСС XX съездининг қардош партиялар қўллаб-қувватлаган ленинча йўлини ифодалаган ва ривожлантирган Москва Кенгашларининг ҳужжатлари асосида жаҳон коммунистик ҳаракати ҳамма йўлларда зўр куч билан олға борди. Империализмга қарши, ялпи тинчлик ва социализм тантанаси учун актив курашнинг ленинча стратегияси коммунизм идеологиясини ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ улуғлади. Халқлар коммунизм билан тинчлик яхлит бир нарса эканлигини тобора чуқур англамоқдалар. Зўр бериб қуролланиш, уруш тайёрлаш учун империалистлар фойдаланиб келган асосий тезис, яъни СССРнинг агрессивлиги тўғрисидаги сохта тезис улоқтириб ташланди. Совет Иттифоқи ўзининг ҳамма ҳаракатлари билан, ўзининг бутун сиёсати билан СССР тинчликнинг асосий қалъаси эканлигини, империализмга қарши муросасиз курашчи эканлигини исбот қилди. Коммунизм жаҳонни термоядро урушидан қутқариб қолаётганлигига, коммунистлар тинчликнинг энг шижоатли ва изчил ҳимоячилари эканлигига халқлар кўпгина мисолларни кўриб қаноат ҳосил қилмоқдалар. Мана шунинг ўзи ҳозирги замон шароитида коммунистларнинг таъсирини кенгайтираётган энг асосий факторларнинг бири бўлмоқда.

Болгария, Венгрия, Чехословакия ва Италия коммунистик ва ишчи партияларининг яқинда бўлиб ўтган съездлари халқаро коммунистик ҳаракатнинг стратегия ва тактика йўлларининг оғишмай амалга оширилаётганлиги социалистик мамлакатларнинг ҳам, капиталистик мамлакатларнинг ҳам компартиялари учун қандай самарали натижалар бераётганлигини яққол кўрсатди.

Болгария, Венгрия ва Чехословакия қардош партияларининг съездлари социализм қуришни тугаллаш ва коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтиришга аста-секин ўтиш йўлларини белгилаб берди, қардош итальян Компартиясининг съезди монополистик капиталга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашни кучайтиришнинг кенгайтирилган тадбирларини кўрсатиб берди. Бу съездлар халқ демократияси мамлакатларининг социализм қуришни тугаллашга ўтиши масаласини марксча-ленинча ишлаб чиқишга жиддий ҳисса қўшдилар, коммунистик ҳаракатни жипслаштиришга ёрдам бердилар. Қардош партияларнинг съездлари меҳнаткашлар кенг оммасини социализм ғалабаси учун кескин курашга, империализмга қарши курашга сафарбар қилди.

Халқаро коммунистик ҳаракат марксча-ленинча тўғри йўлдан бормоқда. Унинг олдида ажойиб истиқболлар очилган. Коммунистлардан талаб қилинаётган асосий нарса шуки, улар ишлаб чиқилган ленинча йўлга содиқ бўлиб қолишлари, ўз сафларини жипслаштиришлари керак.

Бироқ, гоят афсусланиб шуни айтмоқ керакки, халқаро коммунистик ҳаракат сафларида марксизм-ленинизмнинг бир қанча асосий қоидаларига қарши қаратилган, қардош партияларнинг жипслигини бузишга қаратилган қарашлар тарқатилмоқда. Албания Меҳнат партиясининг раҳбар юқори табақаси ленинизмга ниҳоят даражада душман бўлган мана шу догматик, бузиқи қарашларнинг ғир ошкора ифодачиси бўлиб майдонга чиқмоқда.

Хитой Компартиясининг делегациялари КПСС XXII съездининг, сўнгра эса Болгария, Венгрия, Италия ва Чехословакия коммунистик ва ишчи партиялари съездларининг минбарида туриб сўзлаган нутқларида, Албания раҳбарларининг йўлини очиқ танқид қилиш хато бўлди деб даъво қилдилар ва рўй берган келишмовчиликлар учун масъулиятни қардош партияларга тўнкашга уриндилар. Лекин, бундай даъво қилиш рад қилиб бўлмайдиган фактларга қарши чиқишдир, марксча-ленинча партияларнинг бирлашган йўлига қарши ҳақиқатан кураш олиб бораётганлар зиммасидан масъулиятни олиб ташлаш демакдир.

Халқаро коммунистик ҳаракатга шу нарса маълумки, Албания раҳбарлари 81 компартиянинг 1960 йил ноябрь ойидаги Кенгашидаёқ КПСС XX съезднинг йўлига, 1957 йилги Декларациянинг қоидаларига очиқдан-очиқ қарши чиққан эдилар. Ўша вақтда улар социал тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши сиёсатига, қуролсизланиш учун кураш ва низоли масалаларни музокаралар олиб бориш йўли билан тинч ҳал қилиш сиёсатига, социализмга ўтишнинг турли формалари мавжуд эканлиги ҳақидаги қоидага ўзларининг рози эмасликларини айтган эдилар.

1960 йилги Кенгашнинг қатнашчилари Албания Меҳнат партияси раҳбарларининг ленинизмга қарши йўлига кескин зарба берган эдилар. Лекин Албания раҳбарлари ақл-идрок овозига қулоқ солмадилар. Албания Меҳнат партиясининг раҳбар табақаси тажрибали, чиниққан марксча-ленинчи партиялар вакилларининг оғоҳлантиришларига қулоқ солиш ўрнига марксизм-ленинизмга қарши, 81 партиянинг Баёнотига қарши очиқдан-очиқ қутуриб кураш очиб, қардош партияларга шундай таҳмат ва бўҳтонлар ёғдирдиларки, ҳозирги вақтда ҳатто ошкора антикоммунистларнинг кўплари ҳам бундай қилаётгани йўқ.

Албания Меҳнат партиясининг 1961 йил февраль ойида бўлиб ўтган IV съездидаёқ Албаниянинг раҳбар табақаси коммунистик партиялар Кенгашида қабул қилинган Баёнотнинг ва бутун дунё халқларига Мурожаатнинг асосий қоидаларига қарши чиқди ва бу қоидаларга ўзининг, алоҳида позициясини қарама-қарши қилиб қўйди.

Бу позиция тез орада бутун дунёга маълум бўлиб қолди. Халқаро реакция Албаниянинг раҳбар табақаси ҳақиқатда кимга хизмат қилаётганлигини тез тушуниб олди ва бу табақанинг коммунистик ҳаракат билан, социализм лагери билан, биринчи навбатда, Совет Иттифоқи билан алоқани узишга қаратилган йўлини мақташга киришди. 1961 йил 19 майдаёқ, яъни КПССнинг XXII съездидан анча олдин Англиядаги «Скотсмен» газетаси «Албания ҳукумати Совет Иттифоқи билан ўз муносабаларини боғлаб турган кўприкларга, афтидан, абадий ўт қўйиб юборди» деб ёзган эди. Англиядаги бошқа газета — «Дейли телеграф» газетаси 1961 йил 3 июндаги ўзининг мақоласида, Албанияда СССРга қарши кампания «кейинги ҳафталарда энг юқори чўққига кўтарилди» деб қайд қилган эди.

Албания Меҳнат партияси раҳбарлигининг бу позицияси Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини, сафларимиз бирлигини қадрлаётган барча коммунистик партияларни гоят ташвишлантириб қўйди. КПСС Марказий Комитети халқаро коммунистик ҳаракатдаги бахсли масалаларни партияларнинг ўзаро фикрлашуви ва маслаҳатлашуви йўли билан ҳал қилишни талаб қилаётган принципга қаттиқ амал қилиб, 1960 йилнинг август ойидаёқ Албания Меҳнат партияси Марказий Комитетига ҳар иккала партия вакилларининг учрашувини ўтказиш ҳақидаги таклиф билан икки марта мурожаат қилган эди. КПСС Марказий Комитетининг 1960 йил 13 августда Албания Меҳнат партияси Марказий Комитетига ёзган хатида бундай дейилган эди: «Пайдо бўлган англашилмовчилик учқунининг ловиллаб кетишига йўл қўймаслик учун бу учқунни ўз вақтида ўчириш тўғри бўлур эди... Агар Албания Меҳнат партиясининг Марказий Комитети бизнинг бу фикримизга қўшилса ва ўзаро фикрлашиб олишга қарши бўлмаса, биз партиянгизнинг ҳар қандай даражадаги делегацияси билан сизлар учун қулай бўлган ҳар қандай вақтда учрашишга тайёрмиз». Албания раҳбарлари бу таклифларни рад қилдилар. Улар КПСС Марказий Комитетининг муносабатларни нормаллаштириш йўлидаги ҳамма уринишларини рад қилдилар.

Бундай савол бериш ўринлидир: хўш, маслаҳатлашиш принципини ким бузди? Коммунистик харакатга, бу харакатнинг коллектив бўлиб ишлаб чиқилган программ ҳужжатларига ҳужумни ким бошлади ва бир неча йилдан бери бу ҳужумни ким давом эттирмоқда? Ҳақиқат ўрнига ёлғон гапларни айтаётган ва халқаро коммунистик харакатнинг иродасини назар-эътиборга олмай, бузуқиларни очиқдан-очиқ рағбатлантириб, уларнинг қарашларини тарқатаётган ва уларни ҳаққоний танқиддан химоя қилаётган кишиларнинг даъволарини нима деса бўлади?

Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС XXII съездининг минбарида туриб бундай деган эди: «Биз хитойлик дўстларимизнинг бундай ташвишланишига қўшиламиз, уларнинг бирликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги ғамхўрлигини қадрлаймиз. Агарда хитойлик ўртоқлар Албания Меҳнат партиясининг қардош партиялар билан муносабатларини нормаллаштириш учун бундан буён ҳам куч-ғайрат сарф қилишни истасалар, у ҳолда шуни айтиш керакки, бу вазифани ҳал қилишга ҳеч ким Хитой Коммунистик партиясидан кўра яхшироқ кўмаклаша олмаса керак. Бу иш ҳақиқатдан ҳам Албания Меҳнат партиясига фойдали бўлур эди, бутун социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг манфаатларига мувофиқ келган бўлур эди».

Афсуски, аҳвол яхшиланмади, балки тағин ҳам баттарроқ бўлиб қолди. Албания раҳбарлари коммунистик ҳаракат билан, марксизм-ленинизм билан алоқани очиқдан-очиқ узиб қўймоқдалар, догматизм, сектантчилик ва ашаддий миллатчилик ботқоғига тобора чуқуррок ботиб кетмоқдалар, шахсга сиғинишнинг марксизмга ёт методларини тобора кенг қўлланмоқдалар.

Табиийдирки, марксчи-ленинчилар Декларация ва Баёнотнинг қоидалари поймол қилинаётганлигига индамай қараб туролмадилар ва қараб туролмайдилар, коммунистик принципларни жуда қатъият билан химоя қилмасликлари мумкин эмас эди ва ҳимоя қилмай туролмайдилар. Шу сабабли очик кўриниб турибдики, Болгария, Венгрия, Италия ва Чехословакия коммунистик ва ишчи партияларининг яқинда бўлиб ўтган съездларида Албания раҳбарларининг ленинизмга қарши позицияси танкид қилинганлигига қайтириш керак эмас, балки Москва Кенгашларининг байроғини баланд кўтараётган партияларга осилаётган кишилар борлигига қайтириш керак.

Коммунистик харакат қандай йўл ўтказиши тўғрисидаги баҳс абстракт баҳс эмас, балки биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган чуқур принципиал баҳсдир. Марксчи-ленинчиларнинг социал тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшашини мустаҳкамлаш, социализмнинг капитализм билан иқтисодий мусобақалашуви ва ана шу шароитда коммунизмнинг ғалабасини, таъминлаш йўли бизнинг харакатимизни мисли кўрилмаган даражада жозибали кучга айлантирмоқда, жуда кенг халқ оммасини шу харакатга тортмоқда. Сектантлар ва догматиклар қабул қилдиришга уринаётган йўл эса коммунизмнинг, халқ оммасининг кучларига ишонмаслик йўлидир, давлатлар ўртасида уруш қилмай туриб, жаҳон уруши қилмай туриб, янги мамлакатларда социализмнинг ғалаба қилиши мумкинлигига ишонмаслик йўлидир. Бундай йўл қарор топган тақдирда, у, капиталистик мамлакатларнинг халқларини социализм мамлакатларидан четлатган бўлур эди, миллион-миллион кишиларни коммунистик харакатдан четлатган бўлур эди, коммунистларни яккаланиб қолишга олиб келган бўлур эди, халқлар озодлик курашининг бутун боришига тўсқинлик қилган бўлур эди.

Уруш ва тинчлик проблемаси ҳозирги замоннинг энг муҳим, энг ҳаётий проблемасидир. Ҳаётда масала шу таҳлитда турибди: ё турли социал тузумдаги давлатлар бир-бирлари билан тинч-тотув яшайдилар, ёки варварчилик уруши бўлади. Бошқача йўл йўқ. Коммунистлар қандай позицияда туришлари керак, деган савол туғилади. Улар фақат битта позицияда — тинч-тотув яшаш позициясида туришлари керак. Халқаро ишчилар ва озодлик ҳаракати тинч-тотув яшаш шароитида империализмга қарши улуғ ҳужумкорлик курашини олиб бормоқда. Социалистик, мамлакатларга урушнинг кераги йўқ. Улар тинчлик шароитида муваффақият билан ривожланадилар ва капитализм билан тинч иқтисодий мусобақада ғалаба қозонадилар, бу эса ҳамма халқларнинг социалистик йўлни бирдан-бир тўғри йўл деб танлаб олишлари учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлади.

Албания раҳбарлари, масалан, А. Хўжа «тинч-тотув яшашни социалистик мамлакатлар ташқи сиёсатининг бош йўли деб ҳисоблаётган» кишиларнинг фикрига ўзларининг қўшилмаганликлари билан мақтанмоқдалар. Хўш, агар ундай бўлса, бош йўл нимадан иборат бўлади? Урушдан иборат бўладими? Агар шундай бўлса, коммунизм ёки капитализмнинг ғалабаси тўғрисидаги масалани ҳал қилишда бундай йўл тутиш империализм авантюристик доираларининг нуқтаи назаридан нима билан фарқ қилади? Аслини олганда фарқ фақат шундан иборатки, куфурланаётган империалистлар социализм билан мусобақада капитализмнинг бардош беришига ишонмай қўйдилар, догматиклар эса турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч мусобақаси шароитида коммунизмнинг ғалаба қилиши мумкинлигига ишонмаётирлар. Лекин коммунизм ғалабасига олиб борадиган йўл термоядро уруши орқали ўтишига марксчи-ленинчилардан ким рози бўлади?

Ҳозирги вақтда, ҳатто, империалистларнинг ҳам тинч-тотув яшашга очиқ қарши чиқишлари қийин бўлиб қолди. Бундай қилиш ўзларини коммунист деб ҳисоблаётган кишиларга айниқса қийин. Шу сабабли, Албания догматиклари ҳам, биз тинч-тотув яшаш тўғрисидаги тезисга «қарши эмасмиз» деб миғилдамоқдалар. Лекин шу билан бирга улар турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши «империализм билан яқинлашиш ва қўшилиш йўлини» тутиш бўлади деб, уруш бўлиши ёки бўлмаслиги масаласини империалистик монополистлар ва генерал штабларининг бошлиқлари ҳал қиладилар деб, бутун дунёда тинчликни сақлаб қолиш ишига гўё фақат битта йўл билан, империализмни йўқотиш йўли билан қулайлик туғдириш мумкин, деб айтмоқдалар. Бу эса, компартияларнинг Баёнотидан тўғридан-тўғри ва ошкора чекинишдир. Баёнотда эса, бундай дейилган: «социализм ер юзида тўла ғалаба қилишига қадар ҳам, капитализм жаҳоннинг бир қисмида сақланиб қолган тақдирда ҳам, жаҳон урушини жамият ҳаётидан чиқариб юбориш учун реал имконият туғилади», ҳозирги пайтда «империалистик агрессорларнинг янги жаҳон урушини бошлаб юбориш йўлидаги уринишларига ҳотима бериш мумкин бўлган вақт келди».

Агрессорлари ўз вақтида жиловлаб қўйиш, урушнинг олдини олиш, уруш бошланиб кетишига йўл қўймаслик тинчлик учун курашдаги асосий вазифадир. Ҳозирги замон қуролининг мисли кўрилмаган даражада вайрон қилиш кучини назарда тутганда, шундай қилиш айниқса зарур. Баёнотда бундай дейилади: «Ялпи қирғин ва вайрон қилишнинг мудҳиш воситалари яратилди. Янги урушда бу воситаларни ишлатиш бутун-бутун мамлакатларни мисли кўрилмаган даражада вайрон қилиб юбориши ҳамда жаҳон ишлаб чиқаришининг ва жаҳон маданиятининг энг йирик марказларини вайроналарга айлантириб юбориши мумкин. Бундай уруш юз миллионлаб кишиларга, шу жумладан урушда қатнашмаган мамлакатлардаги кишиларга ҳам ҳалокат ва азоб-уқубатлар келтирган бўлур эди».

Догматиклар бу қоидаларга қарама-қарши қилиб, ядро уруши қўрқинчли эмас, ҳозирги замон қуроли эса фақат «империалистлар ва реакционерларнинг фикрига кўра»гина мудҳиш қуроллардир, «атом бомба — қоғоз йўлбарсдир» деган фикрни биринчи ўринга қўймоқдалар. Бу эса, тинчлик учун курашда Баёнотда кўрсатиб ўтилган асосий мақсаддан воз кечишдан бошқа нарса эмас, тинч-тотув яшаш сиёсатидан воз кечишдан бошқа нарса эмас.

Догматиклар тинч-тотув яшашни «империализмни фош қилиш учун курашдан воз кечиш» деб, «империализмга қарши курашни тўхтатиш» деб кўрсатишга уринмоқдалар. Улар тинчлик шароитида мусобақалашув социализмнинг капитализмга қарши курашидаги энг муҳим участкаларидан бири эканлигини тушунмаётирлар. Догматиклар айтаётган тарзда империализмга қарши олиб борилаётган курашга келганда эса, уларнинг бу кураши сохта фош қилувчи дабдабали қурук гаплардан ва қойиллардангина иборат бўлиб қолмоқда. Лекин ҳокимият теласида турган марксчи-ленинчи партияларнинг империализмга қарши курашдаги фаолияти шундан иборат бўлиши лозимми, ахир?

Империализмга қарши амалда кураш олиб бориш, тинчликни ҳимоя қилиш, жаҳон озодлик ҳаракатининг ривожланишига бутун қоралар билан ёрдамлашиш социалистик мамлакатлар учун, аввало, қўйидагидан иборат:

— социалистик жамиятни муваффақиятли равишда ривожлантира бериш, биринчи навбатда, хўжаликни оғишмай юксалтира бериш керак. Социалистик мамлакатлар хўжалик қурилишини нақадар самарали олиб борсалар, улар иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан шу қадар кучлироқ бўлиб қоладилар, тарихий ривожланишнинг йўналишига ва суръатларига уларнинг таъсири шу қадар кўпроқ бўлади, улар тинчликни шу қадар қатъият билан ва мустаҳкам ҳимоя қила берадилар;

(Давоми иккинчи бетда).

ЯНГИ ТЕХНИКАНИ ТЕЗРОҚ ЯРАТАЙЛИК ВА ЖОРИЙ ҚИЛАЙЛИК

ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ ЯНГИ ТЕХНИКА ВИСТАВКАСИНИ БОРИБ КЎРИШДИ

Автоматлаштириш ва машинасозлик давлат комитети машинасозлик ва автоматлаштириш соҳасида тугалланган илмий тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ишларининг виставкасини ташкил қилди.

Бу виставкада янги машиналар, станоклар, турли ускуналар, асбоблар, механизация ва автоматлаштириш воситаларининг халқ хўжалигининг турли тармоқларида жорий қилинаётган ва бир неча юз намуналари кўргазмага қўйилган.

Виставка Ватанимиз машинасозлиги ва асбобсозлиги эришган муваффақиятларнинг намойишигина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга, саноат ва илмий тадқиқот муассасалари ходимлари учун ибратли мактаб ҳам бўлди. Мамлакатдаги кўпгина халқ хўжалиги кенгашларининг вакиллари виставкани келиб кўришди.

5 январда бу виставкада Ф. Р. Козлов, А. Н. Косигин, Н. С. Хрушчев ва А. П. Рудаков бўлишди.

Виставка экспонатларини кўриш вақтида СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари — СССР Халқ хўжалиги кенгашининг раиси В. Э. Димшиц, СССР Госпланининг раиси П. Ф. Ломако ва Илмий тадқиқот ишларини координациялаш давлат комитетининг раиси К. Н. Руднев, Автоматлаштириш ва машинасозлик давлат комитетининг раиси А. И. Костоусов, КПСС Марказий Комитети Машинасозлик бўлимининг мудири В. С. Фролов ҳозир бўлдилар.

Автоматлаштириш ва машинасозлик давлат комитети бошқармасининг бошлиқлари, илмий тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотларининг раҳбарлари экспонатлар тўғрисида гапириб беришди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари қишлоқ хўжалик ва қурилиш-йўл машиналарининг очиқ майдонга қўйилган нусхаларини кўришди. Ўртоқ Н. С. Хрушчев қишлоқ хўжалигида меҳнатни кўп талаб қиладиган ишларни механизациялаштирувчи ва иш унумни юксак бўлган янги техника яратаётган машинасозларнинг ишларини маъқуллаб гапирди.

Илмий тадқиқот институтининг жуда катта биносидаги уч қаватга жойлаштирилган янги машиналар, станоклар, асбоблар, механизациялаш ва автоматлаштириш воситаларининг конструкциялари катта қизиқиш туғдирди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев металлургия саноати ускуналарининг намуналари орасида металлни аниқ қилиб қўйишни автоматлаштирувчи агрегатларни, шунингдек машиналарнинг деталларини накатка қилиш ва қўндаланга прокатка қилиш методдари билан ишлаб чиқарадиган агрегатларни қайд қилиб ўтди.

Партия ва ҳукумат раҳбарлари трубаларни узлуксиз прокатка қиладиган ва пайвандлайдиган янги станларнинг экспонатлари билан танишдилар.

— Биз, — деди Н. С. Хрушчев, — металлургияда иш процессларини узлуксиз олиб бориш усулларини тезроқ ишлаб чиқишимиз ва жорий қилишимиз керак. суюқ металлдан тайёр буюм ясашгача бўлган ишларнинг ҳаммаси узлуксиз бориши лозим. Металлургиянинг ривожланиш истиқболи мана шу.

Пайвандлаш ускуналарини ҳамда пайвандлашни енгиллаштирадиган ва жадаллаштирадиган универсал манипуляторларни кўздан кечириш вақтида шу нарса қайд қилиндики, машинасозликнинг турли тармоқлари учун пайвандлангач деталлар ва узеллар ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган заводларни вужудга келтириш пайти келди. Пайвандлаш ишларини бундай ихтисослаштириш заводларимизда меҳнат унумдорлигини жуда ошириб юборади.

Металл қирқадиган инструментларнинг иш унуми юксак бўлган янги нусхалари қўйилган залда инструментни ишлаб чиқаришда сунъий олмослардан кенгроқ фойдаланиш керак, деган истак билдирилди.

— Ҳозир бизда, — деди Н. С. Хрушчев, — сунъий олмослар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бизнинг саноатимиз сунъий олмосларни керак миқдорда ишлаб чиқариши мумкин.

Ультратовушни ва кучли электр импульсларни қўлланиш металлни ишлашда техника тараққиёти учун катта аҳамиятга эга. Партия ва ҳукумат раҳбарлари шу принципларга асосланган станокларнинг ишлаши билан танишиб чиқиб, планлаштирувчи ва хўжалик органларига бу принципларни ишлаб чиқаришга кенг ва тезроқ жорий қилишни топширдилар.

Маржазий қозон-турбина институти кейинги йилларда диққатга сазовор ишларни бажарди. Бу институт кичик габаритли қозонлар ва буғ-газ установкаси яратиб берди. Булар ёқилғи билан ишлайдиган станцияларнинг бинолари анча кичрайтиришга имкон беради.

— Ишни мана шундай йўлда олиб боришнинг аҳамияти жуда катта, — деб таъкидлади Н. С. Хрушчев.

Транспорт машиналари яратиб бераётган олимлар ва конструкторларнинг ишлари диққат билан кўздан кечирилди. Мураккаб йўл шароитида — қор босган йўлларда, қумларда, ботқоқ ерларда автомобиллардан фойдаланишга имкон берадиган арқали шиналар, пневмоқатқаларни кўплаб ишлаб чиқаришни тезроқ йўлга қўйиш зарурлиги, турли йўл шароитларида фойдаланиш учун универсал машиналарни яратиб бериш тавсия қилинди.

Ер ҳайдаш ишларидагина эмас, шу билан бирга, чопиқ қилишда ҳам ўрмаловчи тракторлар ўрнида бемалол ишлатиш мумкин бўлган гилдиракли тракторлар яратиб бериш керак, деди Никита Сергеевич.

Кўмирни одамнинг иштирокисиз қазиб берадиган машиналарнинг комплекслари ва нефтни қайта ишлайдиган ускуналарнинг янги намуналари виставкани келиб кўрган кишиларни жуда қизиқтирди.

— Бизнинг конструкторларимиз, — деди Н. С. Хрушчев, — нефтни қайта ишлайдиган замонавий ускуналар яратишга эътибор беришлари керак, нефть маҳсулотларининг сифатини яхшилаш зарур. Кўмир шахталарида меҳнат унумдорлигини кескин равишда оширмоқ учун кўмирни қазиб олишни механизациялаштирадиган машиналар комплексини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий қилиш керак.

Химия машинасозлиги ходимларига фойдали маслаҳатлар ва фикрлар айтилди. Уларга пластмассаларни дадилроқ жорий қилиш, кислород ишлаб чиқадиган ускуналарни тезроқ қуриш тавсия қилинди.

— Ҳозир ишлаб турган домна ва мартен печлари, конвертерлар кислород билан таъминланса, дейди Н. С. Хрушчев, шу печларда ва конвертерларда металлни анча кўпроқ ишлаб чиқариш мумкин.

Электрон-ҳисоблаш машиналари ҳамда ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва саноат корхоналарини бошқаришни автоматлаштириш усулларини кўрсатиб берувчи экспонатлар қўйилган залда виставкага келган кишилар электрон техниканинг янгиликлари билан батафсил танишдилар. Фан ва саноат эҳтиёжлари учун бизнинг мамлакатимизда анчагина электрон-ҳисоблаш машиналари яратилган.

— Биз колхозлар ва совхозлар учун ҳам типовой ҳисоблаш машинаси яратиб беришимиз керак, — деб тавсия қилди ўртоқ Н. С. Хрушчев. — Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида ҳисоблаш ишларида ишлаётган кишилар ҳали ҳам кўп. Агар шундай машиналар жорий қилинса, ҳисобчи ходимлар сонини анча камайтириш мумкин.

Виставка экспонатлари кўриб бўлганидан кейин ўртоқ Н. С. Хрушчев Госплан ва СССР Халқ хўжалиги кенгаши раҳбарларига ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, янги техниканы халқ хўжалигининг турли тармоқларига жорий қилиш билан боғлиқ бўлган энг зарур масалаларни жуда қисқа муддат ичида кўриб чиқиб амалий ҳал қилиб беришни топширди.

Энди энг муҳим вазифа шуки, буюмларни унификация қилиш, ишлаб чиқаришни пухта ўйлаб жойлаштириш йўлидан бориш керак. Саноатнинг ҳар бир тармоғи ўзи учун, масалан, асбоблар, инструментлар умумий машинасозлик деталлари ва узелларини (шестерялар, редукторлар, валлар ва шу кабиларни) тайёрлаб беришга йўл қўймаслик керак. Буларнинг ихтисослаштирилган тарзда ишлаб чиқаришни ташкил этиш: заводларни бирин-кетин мана шундай ихтисослаштириш ва бу вазифани амалий ҳал қилиш лозим.

Машинасозликнинг ҳамма тармоқларида техника тараққиёти учун аҳамияти катта бўлган порошокли металлургия жуда секин ривожланаётганлиги айтиб ўтилди. Енгил саноат, озиқ-овқат саноати ва тўқимачилик саноати учун янги машина-ускуналар ишлаб чиқаришни, жумладан, «эластик» типидаги ҳажми кичик ип ва газламалар чиқариш учун керакли машиналарни ишлаб чиқаришни тезроқ йўлга қўйиш кераклиги айтилди. Бундай машиналарнинг намуналари виставкада кўргазмага қўйилган.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев олимлар, конструкторлар ва лойиҳачиларга замонавий машиналарни, ускуналарни, прогрессив технология процессларини яратиш ва жорий қилишда янги муваффақиятлар тилади. (ТАСС).

ТИНЧЛИК ВА СОЦИАЛИЗМ ТАНТАНАСИ ЙЎЛИДА КОММУНИСТИК ҲАРАКАТ БИРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

(Давоми. Бошы биринчи бетда).

— империализмнинг тиргакларини бўшаштирадиган, тинчликсевар кучларнинг жипслашувига ёрдам берадиган ҳамда меҳнаткашларнинг ва мазлум халқларнинг ўз озодликлари ва мустақилликлари учун олиб бораётган курашларини енгиллаштирадиган тинчликсевар ташқи сиёсатни қатъият ва изчиллик билан ўтказиш, социализм душманларининг тинчлик, демократия ва социализм кучларини бўлиб юбориш йўлидаги уринишларига заррача имконият бермайдиган сиёсат ўтказиш керак;

— империализмга нисбатан ниҳоят даражада ҳушёр бўлиб туриш, бутун социалистик лагернинг қудратини ва мудофаа қобилиятини барча чоралар билан мустаҳкамлаш, халқларнинг хавфсизлигини таъминламоқ ва тинчликни сақлаб қолмоқ учун ҳамма чораларни кўриш керак;

— империализм сиёсатини тинмай фош қила бериш, уруш оловини ёқувчиларнинг кирдикорларини ва ҳийла-найрангларини сергаклик билан кузатиб туриш, уруш йўлини тутаётганларга қарши халқларнинг муқаддас ғазабини кўзғатиш, барча тинчликсевар кучларнинг уюшқоқлигини ошириш, тинчликни ҳимоя қилиш йўлида оммаларнинг актив ҳаракатларини тўхтовсиз кучайтириш, янги урушлардан манфаатдор бўлмаган барча давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш керак;

— Осиё, Африка, Латин Америкасидаги миллий мустақилликка эришиш ва буни мустаҳкамлаш учун курашаётган давлатлар билан қардошларча дўстлик ва иноқ ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлай бериш, миллий озодлик ҳаракатига ёрдам ва мадад бериб туриш керак;

— халқаро ишчилар синфининг ҳамма отрядлари ва ташкилотларининг жанговар бирдамлигини мустаҳкамлашга бутун чоралар билан кўмаклашиш керак.

Декларация ва Баёнотда кўрсатилган позицияларда қаттиқ турган КПСС, бошқа марксчи-ленинчи партиялар империализмга қарши худди мана шундай амалий кураш олиб бормоқдалар.

Социализм мамлакатларида бутун инсоният истиқболининг тимсоли вужудга келтирилмоқда. Мамлакатларимизнинг халқлари ўзларининг бутун ишлари билан мана шу тимсолни тобора жозибали қилмоқлари, токи ҳар бир меҳнаткаш киши ҳар бир социалистик мамлакатнинг турмуши билан танишгач: «Менинг эртаги гўзал куним мана шундай бўлади, бунинг учун кучи аямай курашсак, арзийди!» деб айтадиган бўлсин.

Баёнотда бундай дейилади: **«Коммунистлар жаҳон миқёсида эксплуатация ва қашшоқликни тугатишни ва ҳар қандай уруш бўлиш имкониятини инсоният жамиятининг қаётидан абадий чиқариб ташлашни ўзларининг тарихий вазифалари деб ҳисоблаш билан чекланиб қолмай, шу билан бирга, янги жаҳон уруши даҳшатларидан инсониятни ҳозирги даврнинг ўзида халос қилишни ҳам ўзларининг тарихий вазифалари деб биладилар. Барча мамлакатларнинг коммунистик партиялари бу улуғ тарихий вазифани бажаришга ўзларининг бутун куч ва ғайратларини сарфлайдилар».**

Совет Иттифоқи коммунистлари, бутун совет халқи бу улуғ вазифани амалда бажармоқ учун ўзларининг куч ва ғайратларини аямайдилар. Тарихан шундай вазият вужудга келдики, уруш оловини ёқувчи империалистларга қарши курашнинг асосий оғирлиги совет халқининг устига тушди. Бундай оғирликни зиммага олиш осон иш эмас. Совет кишилари бунга бардош бермоқ учун кўпинча, ҳаттоки, ўзларига энг зарур нарсалардан ҳам воз кечишларига тўғри келмоқда. Лекин совет кишилари онгли равишда шундай қилмоқдалар, чунки бундай қилиш бутун дунё халқлари учун, одамларнинг ҳозирги ва келажак бўғинлари учун, коммунизм ғалабаси учун зарур эканлигини улар тушунадилар.

Урушқоқ империалистик доиралар кейинги йилларда жаҳон уруши бошлашга неча марталаб уриниб кўрдилар. Лекин халқлар шуни яхши биладиларки, Совет Иттифоқининг актив кураши, унинг қудрати жаҳон урушининг олдини олишда, шунингдек империализмга қарши олиб борилаётган озодлик курашига кўмаклашишда ҳал қилувчи роль ўйнади.

1956 йилда Суэйш канали районида Англия—Франция—Исроил агрессорларини жуғтакни ростлаб қочишга мажбур қилиб, ловиллаб турган уруш алангасини ўчирган ким? 1957 йилда империалистлар тайёрлаган Сурияга бостириб киришни даф қилган ким? 1958 йилда Яқин Шарқда ва Тайвань бўғози районида уруш бошланиб кетишига йўл қўймаган ким? Булар — Совет Иттифоқи, социалистик лагернинг ҳамма мамлакатлари, тинчликсевар кучлар эди. Улар, аввало, СССРнинг қудрати ва актив ҳаракатлари империалистик уруш оловини ёқувчиларни чекинишга мажбур қилди. Совет давлатининг, КПССнинг халқаро майдондаги бутун фаолияти — империализмга қарши амалда кураш олиб боришдан, социализм позицияларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун ҳормай-толмай курашишдан иборат бўлмоқда, озодликни ҳимоя қилаётган ва озодлик учун курашаётган халқларга реал ёрдам кўрсатишдан иборат бўлмоқда.

Совет Иттифоқи Жазоир халқининг француз мустамлакачиларига қарши озодлик курашини кенг равишда қувватлади, Лаос халқининг миллий мустақиллигини ва озодлигини ҳимоя қилди, мустамлакачилик таянчларини тугатиш ҳамда Гоа, Диу, Даман, Ғарбий Ирианни озод қилиш йўлида Ҳиндистон ва Индонезиянинг олиб борган адолатли ҳаракатларини қувватлади, Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги мустақил давлатларнинг мустаҳкамланишига бутун чоралар билан кўмаклашди — мана шу бир қисм фактларнинг ўзи ҳам Совет Иттифоқи империалист мустамлакачиларга қарши, халқларнинг миллий озодлиги учун қандай изчиллик билан курашаётганлигини кўрсатиб турибди. Яқиндагина Совет Иттифоқи Яман халқига жуда жиддий ёрдам кўрсатди, бу ёрдам Яманнинг мустақиллигини таъминлашда, империализмнинг кирдикорларини барбод қилишда катта роль ўйнади.

Бизнинг мамлакатимиз халқаро ташкилотларда шундай ишлар қилмоқдаки, бу ишлар жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда, жаҳондаги барча прогрессив кучларни миллий озодлик ҳаракатини ҳимоя қилишга сафарбар этишга кўмаклашмоқда. Совет Иттифоқининг ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти барча халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги Декларацияни қабул қилди ва Совет Иттифоқи бу Декларацияни тезроқ амалга оширтиришга ҳаракат қилмоқда.

Совет Иттифоқи империалистлар тайёрлаётган термоядро урушининг бутун даҳшатли хавфини тинмай тушунтираётганлиги уруш оловини ёқувчиларнинг кирдикорларига қарши халқларнинг ҳушёрлигини ошириш йўлида КПССнинг барча қардош партиялар билан бирга, барча тинчликни ҳимоя қилувчилар билан бирга куч ва ғайрат сарфлаётганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси тинчлик учун курашаётган кучларнинг кўпайишига жуда кўп даражада ёрдам бермоқда.

Империализм ва уруш кучларига қарши ҳужумни КПСС ҳамма соҳада мана шундай оғишмай ва изчиллик билан олиб бормоқда. Совет Иттифоқининг империализмга қарши изчиллик билан олиб бораётган курашига шубҳа туғдиришга уринаётганлар: тинчлик ва социализмнинг асосий кучини нима учун ва қандай мақсад билан қоралаётирмиз, бу билан биз кимга ёрдамлашаётирмиз, деб ўзларига ҳолисанилло бир савол бериб кўрсинларчи?!

Америка империализми томонидан Кариб денгизи районида яқинда вужудга келтирилган танглик шундай танглик бўлдики, жаҳон термоядро уруши хавфини туғдирган бундан кўра ўткирроқ халқаро танглик урушдан кейинги йилларда бўлмаган эди. Хўш, мана шу масъулиятли онларда тираналик бақироқлар қандай позицияда турдилар? Улар революцион Кубага қалқон бўлиб атомбозларнинг йўлини тўсган асосий куч ролини ўйнаган Совет Иттифоқини қўллаб-қувватладиларми? Йўқ, улар бундай қилмадилар. Ҳатто, аслияти олганда, улар империалист игвогарларнинг жанжални авж олдиришига, СССР билан АҚШни тўқнаштиришига ёрдамлашдилар, бу билан айни вақтда бутун дунёни уруш гирдобига итара бердилар.

Лекин инсониятнинг бахтига бу фалокат рўй бермади. Атом ва водород бомбаларининг ҳамма нарсани йўқ қилувчи гирдоби халқларни ўз домига тортмади. Буни даф қилишда Совет Иттифоқининг хизмати катта бўлганлигига бутун дунё ҳам тан бермоқда. Совет ҳукумати н и н г, унинг бошлиғи ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг термоядро ҳалокатини даф қилган қаттиқ ва пухта сиёсатига миннатдор инсоният донишмандликнинг, ақл-идрокнинг, чинакам тинчликсеварликнинг ва халқлар тақдири тўғрисида қилинган ғамхўрликнинг намунаси, деб юксак баҳо бермоқда.

Догматиклар бу фикрга қўшилмаётирлар. Тангликнинг энг нескин босқичи орқада қолган ҳозирги пайтда «сўл гапларнинг» намояндалари Совет Иттифоқига тўҳмат қилиб, у, гўё империализм олдида таслим бўлди ва ҳатто «иккинчи Мюнхен»га рози бўлди, деган даъволарни қилмоқдалар. Лекин Кариб денгизи районидаги танглик бартараф қилинганлигининг якунларини объектив равишда анализ қилаётган ҳар бир киши догматикларнинг бу туҳматларида заррача ҳақиқат йўқлигини, улар лоф уриб айтаётган сўзлар аслини олганда, уруш чиқаришга қаратилган сўзлар эканлигини кўриб турибди.

Кариб денгизи районидаги танглик Совет Иттифоқи, Куба халқи агрессорларга қарши қатъий ҳаракатлар қилиши йўли билан, бутун социалистик ҳамдўстлик халқлари, тинчлик учун курашувчиларнинг ҳаммаси Куба халқининг одилона ишини қўллаб-қувватлаганлиги туфайли ҳал қилинди. Шу билан бирга, бу танглик ўзаро ён бериш ва оқилона келишиш асосида ҳал қилинди. Давлатлар ўртасидаги низоли масалаларни уруш чиқармай, тинч йўл билан ҳал қилиш — мана шунинг ўзи амалдаги тинч-тотув яшаш сиёсатидир. Тинч-тотув яшаш сиёсатини қувватлаймиз, деб гапириш билан бир вақтда Куба атрофидаги тангликни ҳал этиш методини танқид қилаётган кишилар тинч-тотув яшаш сиёсатини амалда инкор қилади.

Можарони тинч йўл билан бартараф этишни танқид қилувчилар, империалистлар билан тузилган битимларга ишониб бўлмайди, деган гапларни айтмоқдалар. Лекин фақат шунгагина асосланиб иш кўриш, — низоли масалаларни уруш йўли билангина бартараф қилиш мумкинлигини эътироф қилиш демакдир. Марксчи-ленинчилар, социалистик мамлакатларнинг қудрати шу қадар ўсиб кетганки, империалистлар бу билан ҳисоблашишга мажбурлар ва бинобарин, империалистларни ўз зиммаларига олган мажбуриятларига риоя қилишга мажбур этиш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Шу билан бирга, марксчи-ленинчилар империалистларнинг хиёнаткорлигини ҳеч қачон унутмайдилар ва халқларни ҳамиша ҳушёр бўлиб туришга, уруш оловини ёқувчиларнинг агрессив кирдикорларига қарши курашни кучайтиришга чақирадилар.

Кариб денгизи районидаги танглик бартараф қилинганлигининг асосий якунлари қандай бўлди? Социалистик Кубанинг суверенитети ва мустақиллиги мустаҳкамланди. Кубанинг жиғига тегиб келган, унга қарши агрессия тайёрлаган АҚШнинг ҳукмрон доиралари биринчи марта ўз президентининг оғзидан, бундан бўён Кубага ҳужум қилмаймиз, деб айтдилар. Ўз-ўзидан равшанки, кураш ҳали давом қилмоқда, шунинг учун ҳам Совет Иттифоқи Куба Республикасининг маълум беш талабини қатъий равишда қувватламоқда ва Кубага ҳар томонлама жуда катта ёрдам бермоқда. Кубанинг позицияси анча мустаҳкам бўлиб қолганлиги, унинг халқаро обрўси эса ошганлиги ҳар кимга аёндир. Куба халқи, унинг ўртоқ Фидель Кастро бошчилигидаги жанговар раҳбарлари ўзларининг социалистик ғалабаларини сақлаб қолишда эўр мардлик, матонат, қатъийлик кўрсатдилар ва тинчликни сақлаш ишига жуда катта ҳисса қўшдилар. Ғарбий ярим шардаги озодлик машъали тағин ҳам кучлироқ нур сочиб турибди. Буни «Мюнхен» деб бўладими, ахир? Буни чекиниш, деб бўладими, ахир? Афтидан, «иккинчи Мюнхен» терминини ўйлаб чиқарган кишиларнинг ўзлари энг оддий тарихни билмасалар керак ва ўзлари билмаган нарсани гапираётган бўлсалар керак.

Тинч-тотув яшаш сиёсати ҳамма мамлакатлардаги халқларнинг хаётий манфаатларига мос бўлиб тушаётганлигини турмушнинг ўзи, юз миллионлаб кишиларнинг кураш тажрибаси исбот қилди. Капиталистик мамлакатларда синфий курашни авж олдирмоқ, миллий озодлик ҳаракатини, демократик ҳаракатларни, социалистик революцияларни авж олдирмоқ учун тинч-тотув яшаш шароитида қулай имкониятлар вужудга келаётганлиги исбот бўлди. Миллий озодлик ҳаракати, капиталистик мамлакатлардаги энг катта забастовка жанглари урушдан кейинги йилларда, яъни тинч-тотув яшаш шароитида гоят юксалиб кетганлиги очиқ кўриниб турган фактку, ахир. Мана шу йилларда коммунистик партияларнинг сони ва уларнинг таъсири аниқроқ кўпайганлиги ҳам очиқ кўриниб турган факт-ку, ахир. Революцион синфий ва миллий озодлик курашининг муваффақиятлари ўз навбатида тинч-тотув яшашнинг мустаҳкамланишига ёрдам бермоқда. Бунинг сабаби ҳам маълум. Чунки тинчлик, демократия ва миллий озодлик учун актив кураш империализм позицияларини заифлаштиради ва торайтиради.

Марксчи-ленинчилар жаҳон урушининг олдини олиш мумкинлиги тўғрисида гапирганларида, империализмнинг моҳияти, унинг агрессивлик характери ўзгармаганлигини бир лаҳза ҳам унутмайдилар. Бизнинг партиямиз ўзининг бутун сиёсатида ана шунга асосланмоқда. Шу билан бирга, бизнинг партиямиз жаҳон миқёсида рўй берган ўзгаришлари, бу ўзгаришлар натижасида империализм эндиликда ҳаммага ўз айтганини қилдиролмайдиган бўлиб қолганлигини ва ўзининг агрессив сиёсатини бемалол ўтказолмайдиган бўлиб қолганлигини ҳисобга олмоқда. Эндиликда жаҳондаги кучларнинг нисбати шундай бўлиб қолдики, социализм ва тинчлик лагери империализмнинг агрессив кучларини жиловлаб қўйиши мумкин.

Ўз-ўзидан равшандирки, империализм лагерида ўйламай-нетмай ҳарбий авантюрага ташланадиган «қутурганлар» топилмайди, деб кафил бўлиш мумкин эмас. Шу сабабли, ҳамиша юксак даражада ҳушёр бўлиб туриш, мустаҳкам экономикага, яхши қурол-яроғлар га эга бўлиш ва шу тариқа агрессорга қақшатқич зарба беришга ҳамишаҳ тайёр бўлиб туриш лозим. Империализмни ёмон кўришнинг ўзи билангина, стратегия жиҳатдан қараганда, унинг йиртқичлик табиатини юмшатиб бўлмайди ва агар агрессия бошланадиган бўлса, уни тўхтатиб бўлмайди. Ҳозирги замон урушини эски мезонлар билан ўлчаб бўлмайди. Агар жаҳон урушининг олдини олишга муваффақ бўлинмаса, бу уруш дарҳол термоядро урушига айланиб кетади, кўп ва кўп миллион кишиларни халоқ қилишга, жуда катта моддий бойликларни емиришга, бутун-бутун мамлакатларни ер билан яксон қилишга олиб келади. Ҳозирги замон урушининг окибатларини ўйламаётган, ядро қуролини одамлар оммасига нисбатан қандайдир иккинчи даражали бир нарса, деб бу қуролга етарли баҳо бермаётган ва уни ҳисобдан чиқариб ташлаётган кишилар катта хато қилмоқдалар. Агар социалистик лагернинг қудратли қуроли бўлмаганида эди, аввало, ракета-ядро қуроли бўлмаганида эди, унинг позицияси ҳозирги дунёда бутунлай бошқача бўлган бўлур эди, бунга шак-шубҳа бўлиши мумкинми, ахир. Агар шундай бўлганида, социализмнинг хавфсизлиги нималарга асосланиши мумкин эди? Қандайдир афсунгарлик қаршиларига асосланиб бўлмайди-ку, ахир? Совет Иттифоқини ҳозирги вақтда ғазабланиб, қийиб турган кишиларнинг ўзлари ҳам тиш-тирноғи билан қуроллангган империализмга Совет Иттифоқининг ёрдамисиз, унинг қудратисиз бардош беролмаган бўлур эдилар, бунинг ўзи равшан эмасми, ахир?

Инсонларнинг хаёти билан сурбетларча ўйнашаётган баъзи кишилар юз миллионлаб одамларни ҳимоя қилаётган қурашчиларни таҳқирлаб, бу қурашчиларни «кўрқоқлик» ва «эпашарлик» қилди, деб айблаш даражасига бориб етмоқдалар. Лекин коммунистлар, айниқса давлат арбоблари, сиёсий арбоблар бўлган коммунистлар бундай масъулиятсиз сафсатабозларга ўхшашлари мумкин эмас. Чунки улар ҳокимият тепасида турганликлари сабабли, халқларнинг ва давлатларнинг тақдири учун, айниқса жаҳон социалистик системасининг тақдири учун жавобгардирлар. Улар ўтган асрлардан қолиб кетган гапларни такрорламасдан ва дабдабали сафсатабозлик билан шуғуллана бермасдан, балки ҳозирги замон термоядро урушининг муқаррар оқибатларига окилона, жуда катта масъулиятни тушунган ҳолда баҳо беришга мажбурдирлар. В. И. Ленин сўл сафсатабозларни қаттиқ қойиб ва шафқатсиз масхара қилиб, уларни воқеалар конкрет ўзгарган пайтда, конкрет аҳвол рўй бериб қолганида, объектив вазиятларни хисоба олишни билмайдиган кишилар деб айтган эди. Ленин бундай деб ёзган эди: «Келажакда бизнинг ҳақимизда: «революцион уруш тўғрисида революцион сафсатабозлик қилиб, революцияни халоқ қилган эканлар», деган аччиқ ҳақиқатни айтмасликлари учун революцион сафсатабозликка қарши курашмоқ керак, курашдан бошқа илож йўқ, албатта курашмоқ керак», (Асарлар, 27-том, 12-бет).

Халқаро коммунистик ҳаракат Ленининг империализмни қандай таърифлаганлигини билади ва бир неча ўн йиллардан бери шу таърифга амал қилиб келмоқда. Ленининг империализм тўғрисидаги таърифи ҳамма нарсани ўз ичига олган чуқур таърифдир, бу таърифда империализм кучларига ошириб баҳо бериш ҳам, камайтириб баҳо бериш ҳам йўқ. Марксчи-ленинчилар, ҳамма нарсани ўз ичига олган чуқур таърифдир, бу таърифда империализм кучларига ошириб баҳо бериш ҳам, камайтириб баҳо бериш ҳам йўқ. Маркснинг капитализм тўғрисидаги анализи каби Ленининг бу таърифи ҳам кўпдан бери онгли меҳнаткашларнинг сафларида капитализм ва империализм кучлари устидан ғалаба қозониш муқаррар эканлигига ишончни мустаҳкамлаб келди. Маркс ва Ленининг бу таърифларига империализм кучларига етарли баҳо бермасликдан иборат бўлган бошқача қоидани, «қоғоз йўлбарс» тўғрисидаги сўқма қоидани қарама-қарши қилиб қўйиш нега керак бўлиб қолди?

Ҳозирги замон империализми тўғрисидаги сўқма таърифни коммунистик ҳаракатга қабул қилдирмоқ ва ҳозирги империализмнинг атом тишларини назарисанд қилмаслик учун «қоғоз йўлбарс» тўғрисидаги қоидани Ленининг империализми «қилтаноқ ёёлли баҳайбат махлуқ» деган таърифи билан баб-баравар маъногa эга, деб кўрсатишга уринмоқдалар. Аммо, шу нарса маълумки, бу ясама ибора В. И. Ленининг империализм тўғрисида ҳамма нарсани ўз ичига олган таърифининг бутун моҳиятини тугал ифодаламайди ва унинг ўрнини босолмайди. Яна бунинг устига бу иборада, империализмнинг ҳали кучли эканлиги («баҳайбат махлуқ» эканлиги), лекин унинг бутуни кетиб қолганлиги («қилтаноқ ёёлли» эканлиги) ва ички зиддиятлар уни кемираётганлиги таъкидланади. Империализм тўғрисидаги «қоғоз йўлбарс» деган таъриф эса, империализмнинг заифлигини кўрсатади, холос. Энг муҳим нарса эса шундан иборатки, қоғоз ўйинчоқларни зўр бериб бўкач қила бермасдан, балки ҳозирги замон империализмини чинакам анализ қилиб бериш: уни ҳалоқатга олиб келадиган иллатларини, заифликларини, конуниятларини очиб ташлаш ва шу билан бирга, унинг кучларини, шу жумладан унинг жуда катта атом ва бошқа ҳарбий потенциалини сергаклик билан ҳисобга олиш керак.

«Қоғоз йўлбарс» деган ибора аслини олганда, оммани демобилизация қилишга олиб келади, чунки бу ибора оммага империализмнинг кучи лофдир ва бу кучни ҳисобга олмаслик керак, деган фикрни уқтиради. Бундай сафсатабозликлар халқ орасида хотиржамлик кайфиятинигина туғдиришга, ҳушёрликни йўқотишга олиб келиши мумкин. Мана шундай сафсатабозликни тарқатувчилар, стратегия жиҳатдан душманни ёмон кўриш зарур, аммо, тактика жиҳатидан қараганда эса, унга жуда жиддият билан қараш зарур, деган гапни ҳам айтмоқдалар. Лекин бундай «икки ёқлама бухгалтерия» марксизм-ленинизмга зиддир. Марксизм стратегия билан тактикани чуқур умумийликка эга бўлган бирлик, деб тушунади. Тактика стратегия максадларига эришишга хизмат қилиши лозим, стратегия тактикага зид эмас, балки анча каттароқ тарихий мақсадларга эришиш йўлини кўрсатиб беради. Марксизм-ленинизм душманга баҳо берганда, унинг тарихий истиқболини ҳам, шунингдек унинг ҳозирги кундаги реал кучларини ҳам хисобга олиш, шунга асосланиб туриб стратегия ва тактикани ишлаб чиқиш керак, деб таълим беради. Халқаро коммунистик ҳаракат империализмнинг таназзулга юз тутаётганлигини, тарихан унинг умри тугаганлигини яхши билади, лекин империализмнинг ишга солиши мумкин бўлган атом тишлари бўрлигини ҳам билади. Ядро уруши юз миллионлаб кишиларни кириб юборишга, ишлаб чиқарувчи кучларни ниҳоят даражада вайрон қилишга олиб келган бўлур эди. Бу ҳол жаҳон ядро урушидан қолган вайроналар устида янги жамият қуришни гоят қийинлаштирган бўлур эди. Коммунистлар бу тўғрида индамай туришлари керак эмас, балки мавжуд хавфни оммага тўппа-тўғри ва очиқ айтиб беришлари керак. Бу эса, халқларнинг ер юзида мустаҳкам тинчлик учун, империализмга қарши курашга отланишларига ёрдам беради.

Коммунистик ҳаракат: агар империалистлар уруш бошлаб юборсалар, бу уруш чириган капиталистик тузумни батамом ҳалоқ қилади, деб ҳисоблайди. Лекин социалистик революция ўзи учун атом ёки водород бомбаларнинг йўл очиб беришига муҳтож эмас.

Жаҳон урушининг олдини олиш мумкинми ёки йўқми, тинчликни мустаҳкамлаш мумкинми ёки йўқми, ёппасига ва батамом қуролсизланиш программасини амалга ошириш ҳамда халқ оммасининг адолатли жамиятни барпо қилиш тўғрисидаги, «қурол-яроғсиз, армиясиз, урушсиз дунё» тўғрисидаги идеаларини рўёбга чиқариш мумкинми ёки йўқми? Бу —принципиал муҳим масалалардир. Тинчликни ҳимоя қилиш шиорини илгари суриш — «хом хаёллар» ургуини сочиш демакдир, деган гапларни айтаётган киши халқаро коммунистик ҳаракатнинг позициясига қарши чиққан, оммаанинг кучини бўшаштирган, оммага жаҳон урушининг олдини олиш учун олиб бориладиган кураш маглубиятга маҳкум қилингандир, деган гапларни айтандек бўлади ва бу билан ҳақиқатда уруш кучларига ёрдам берган бўлади. Коммунистларнинг чинакам революцион оптимизми шундан иборатки, улар жаҳон урушининг олдини олиш мумкинлигига, агрессив кучларни жиловлаб қўйиш мумкинлигига аминдирлар, бинобарин кенг оммани уруш оловини ёқувчиларга қарши актив ҳаракатлар қилишга чақирмоқдалар, коммунистларнинг чинакам революцион оптимизми шундан иборатки, улар ҳамма революцион процесслар тинч-тотув яшаш шароитларида ривожланиб бормоқда ва тобора кенг кўламда ривожлана бериши мумкин ҳамда қирғинчилик ядро уруши олиб бормасдан ҳам бутун дунёда социализм ғалаба қилиши мумкин, деб ҳисоблямоқдалар. Бу — революцион курашчилар оптимизмининг айни ўзидир, бундан ўзгача нуқтаи назар эса ўлимга маҳкум этилган кишиларнинг философиясидан бошқа нарса эмас. Тинчлик учун, қирғинчилик термоядро урушининг олдини олиш учун кураш ишчилар синфининг, деҳқонларнинг, ҳамма меҳнаткашларнинг инсоният мутлақ кўпчилигининг ҳаётий манфаатларига мосдир. Марксчи-ленинчилар сўзлари билан айтганда, «хусусий кишилар ўзаро муносабатларида амал қилишлари лозим бўлган одоб-ахлоқ ва адолатнинг оддий қонунлари халқлар ўртасидаги муносабатларда ҳам олий қонунлар бўлиб қолишига эришишни» (Асарлар, 16- том, 11- бет) коммунистлар ўз вазифалари деб ҳисоблайдилар.

Тинчлик байроғи коммунистларга жуда кенг халқ оммасини ўз атрофига тўплаш, шундай бир оммавий сиёсий армияни вужудга келтириш имкониятини бермоқдаки, буржуазия ва унинг партиялари бундай армия тўғрисида ҳеч қачон ҳатто хаёл ҳам қилмаган эдилар. Коммунистлар ана шу байроқни бундан буён ҳам баланд кўтариб боришлари лозим.

Марксчи-ленинчилар инсоният тақдирини халқ оммаси ҳал қилади деб ҳисоблаб келдилар ва шундай деб ҳисоблямоқдалар. Шу сабабдан, улар қурол-яроғнинг, шу жумладан ядро қуролининг қудратини ҳамма нарсага қодир деб ҳисоблямайдилар. Лекин қуролнинг кучини омманинг кучига сунъий равишда қарама-қарши қўйиш ярамайди. Тинчликни ҳимоя қилиш, жаҳон урушининг олдини олиш учун ҳамма кучларни: халқ оммасининг курашини, социалистик лагернинг мудофаа қудратини, социалистик мамлакатларнинг тўғри ташқи сиёсатини ишга солиш керак, бу ташқи сиёсат қатъий принципиал ва айни замонда кучлар нисбатини ҳисобга оладиган, шароитларга қараб «найзага қарши найза» методини ҳам, музокаралар методини ҳам истисно қилмайдиган пухта сиёсат бўлиши керак. Ана шу методлардан фақат биттасига маҳлиё бўлиб, манманлик билан иккинчисини улоқтириб ташлаш — оқилона ва ленинча сиёсат эмас.

В. И. Ленин бундай деб ёзган эди: «Ҳамма ҳоллар учун ярайдиган рецепт ёки умумий қоида («ҳеч қандай компромиссларга йўл қўйилмасин»!) ўйлаб чиқариш бемаъниликдир. Ҳар бир айрим ҳолни алоҳида текшира билиш учун миялик бўлиш керак. Партия ташкилотининг ва партия йўлбошчиси деган номга сазовор бўлган партия йўлбошчиларининг аҳамияти ҳам шундан иборатки, улар мураккаб сиёсий масалаларни тез ва тўғри ҳал этиш учун мазкур синфнинг барча онгли вакилларининг узоқ, саботли, ҳар турли, ҳар томонлама иш кўрсатишлари натижасида зарур билимга, зарур тажрибага, билим ва тажрибадан ташқари зарурий сиёсий сезгирликка эга бўлишлари керак» (Асарлар, 31- том, 55-56- бетлар). Кучларнинг ҳаммаси, тинчлик учун кураш методлари ва формаларининг ҳаммаси жамул-жам бўлган тақдирдагина янги жаҳон урушининг олдини олиш имкониятини беради. Бу эса биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган вазифадир. Ахир, ишчилар синфининг асил мақсади «жон фидо қилиш» эмас, балки бутун инсоният учун бахтли турмуш барпо қилишдан иборат-ку.

Лекин империалистик лагерь солаётган уруш хавфи ҳали сақланиб қолаётган, ёппасига ва батамом қуролсизланишга ҳали эришилмаган экан, Совет давлатининг мудофаа қудратини, Совет давлати Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини ҳар қандай душманни батамом тор-мор келтиришни таъминлайдиган даражада тутишни КПСС ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисоблайди. Совет Иттифоқи нақадар буюк ҳарбий қудратга эга эканини инсоният билади. Ана шу муттасил ортиб бораётган қудрат тамомила тинчлик ишига хизмат қилдирилмоқда. Агар бизни мажбуран урушга тортсалар, Совет Иттифоқи ўзини ва ўз иттифоқчиларини ҳимоя қила билади. Бу масалада ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Лекин чинакам инсонпарварлар бўлган биз коммунистлар энг адолатли жамиятни барпо қилишга тарих томонидан даъват этилганмиз ва шу сабабли халқларга тинчликни ҳамда уларнинг порлоқ истиқбол йўлидаги, коммунизм йўлидаги кураши учун қулай шарт-шароитларни таъминлаб бериш учун қўлимиздан келган ҳамма ишларни қилишимиз керак.

КПСС халқлар социализм ва коммунизм йўлидан боришгина чинакам бахт-саодатга эришишлари мумкин деб ҳисоблайди. Бутун ҳалқаро коммунистик ҳаракат сингари КПСС ҳам социалистик революцияни тинч йўл билан амалга ошириш ишчилар синфи ва унинг авангарди — марксчи-ленинчи партиялар учун матлуб иш бўлур эди, деган фикрга асосланади. Айни маҳалда КПСС доимо шу нарсани таъкидлаб келмоқдаки, эксплуататор синфлар зўрлик ишлатаётган шароитда социализмга нотинч йўл билан ўтиш мумкинлигини, қуролли кураш олиб бориш зарурлигини ҳам назарда тутиш керак. Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС XXII съездида қилган докладида бундай деди: «Монополистик буржуазия ўз ҳукмронлигини саклаб колиш учун энг разил, энг конли воситаларни ишга солиши эҳтимолдан узоқ эмас. Бундай шароитда Ленининг: ишчилар синфи «жамоат фаолиятинг, ҳеч қандай мустасносиз барча формаларини ёки томонларини билиб эгаллаб олиши лозим, бир форманинг жуда тезлик билан ва кутилмаганда иккинчи форма билан алмашинувига тайёр туриши керак», деган сўзлари ҳамма вактдагидан ҳам кучлироқ янграмоқда». Албан догматикларига ўхшаб гўё КПСС «ишчилар синфининг ҳокимиятни тинч йўл билан кўлга олишини абсолютлаштирмоқда», «фақат шу йўлнинг ўзини кўрсатмоқда» деган гапларни айтаётган кишилар фактларга хилоф равишда зўр бериб ёлғон-яшиқ гапларни тарқатиб келяпти, холос. Ишчилар синфининг ҳокимиятни тинч йўл билан кўлга олиши мумкинлигини ҳақиқатда рад этиш билан догматиклар жонли ҳаётни кўрмаётирлар, ишчилар синфининг ўсиб бораётган кучи ва уюшқоқлигини, халқ оммасининг социализм томон интилиши кучайиб бораётганлигини кўрмаётирлар, социалистик системанинг жаҳондаги революцион процессга таъсири ошиб бораётганлигини инкор этмоқдалар. Лекин бунинг маъноси шуки, улар жаҳон революцияси ишининг олға қараб илгарилаб боришига ёрдам бериш бир ёқда турсин, ҳақиқатда унга тўсқинлик қилмоқдалар.

Догматиклар социализмга ўтишнинг ҳар хил формаларига амалда қарши чиқиб, одатда: «Бизнинг давримизгача тарих капитализмдан социализмга тинч йўл билан ўтиш ҳолларини ҳали билмаган эди» деган далилни рўкач қиладилар. Лекин Маркс ва Энгельс ана шундай «далил»ларга асосланганларида, социализмнинг муқаррар суратда ғалаба қилиши тўғрисида, пролетариат диктатураси тўғрисида хулоса чиқара олмаган бўлур эдилар, чунки ўша вактда хали дунёнинг ҳеч бир жойида пролетариат диктатураси йўқ эди. Марксча-ленинча назариянинг кучи — даврнинг энг асосий хусусиятларини чуқур анализ қила билишида, шу анализдан чиқарган хулосалари билан революцион кучларнинг йўлини неча ўн йилларгача ёритиб тура билишидадир. Догматиклар қардош партияларга ҳамма ҳолларда, ҳар қандай шароитларда ҳам ҳокимият учун фақат қуролли йўл билан кўлга олишни ижодий марксизм-ленинизмни «ревизионизм» деб кўрсатиб, бу билан коммунистик ҳаракатга очиқдан-очиқ чалкашлик олиб кирмоқдалар. Марксчи-ленинчилар конкрет вазиятни анализ қилиб, ҳар бир конкрет кезда умумий революцион ишнинг олға қараб илдамлаб боришига кимлар тўғаноқ солаётганлигини кўрмоқлари керак. Агар ишга ана шу бирдан-бир тўғри позицияда туриб ёндошиладиган бўлса, коммунистик ҳаракатнинг энг муҳим проблемаларини ҳал қилишга догматик муносабатда бўлиш энг жиддий хатоларнинг манбаи эканлигини эътироф этмасдан бўлмайди.

(Охири учинчи бетда).

ўз-ўзидан маълумки, революцион назария фақат йўл кўрсатиб бериши мумкин, лекин конкрет тарихий вазиятда у ёки бу мамлакатнинг пролетариатига курашнинг кайси форма ва методларини танлаб олишга тўғри келишини белгилаш, — ҳар қайси мамлакат пролетариатининг ва, аввало, унинг коммунистик авангардининг ўз ишидир. Ҳамма замонлар ва ҳамма мамлакатлар учун социалистик революция рецептини тузиб бериш ва шу рецептни ҳар кайси мамлакатнинг конкрет шароитида иш кўраётган қардош партияларга мажбуран қабул қилдириш мумкин деб ўйлаш — зараили иш билан шуғулланиш, коммунистларга ёт бўлган такаббурлик кўрсатиш, ўзини ҳамма компартияларнинг устози қилиб, бунинг устига реал турмушдан ажралиб қолган ва шу сабабли догматик схемалардан бўлак ҳеч қандай дуруст маслаҳат бера олмайдиган устози қилиб кўрсатиш демакдир.

Совет Иттифоқи миллий озодлик революцияларини ривожлантиришга, шармандали мустамлакачилик системасини тезроқ тугатишга бутун чоралар билан ёрдам бериб келмоқда. У, империализмга ва мустамлакачиликка қарши отланаётган ҳамма халқларга доимо мададкорлик қўлини узатиб келди ва узатмоқда. КПСС Программасида айтиладики, партия ва бутун совет хал

ТИНЧЛИК ВА СОЦИАЛИЗМ ТАНТАНАСИ ЙЎЛИДА КОММУНИСТИК ҲАРАКАТ БИРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

(Охири. Бошн 1 ва 2-бетларда)

Сўл сектантлик касали миллатчиликдан мадад олиб туради ва ўз навбатида миллатчиликка мадад бериб боради. Тажриба шундан далолат бермоқдаки, сўл сектантлик касали ҳокимият тепасида турган партиянинг фаолиятида содир бўлган пайтда унга айниқса тоқат қилиб бўлмайди. Бу касаллик шунинг учун ҳам айниқса хатарли бўлиб борадики, у, коммунистик ҳаракатнинг бутун инсонят тақдирига дахлдор бўлган уруш ва тинчлик масалалари сингари қаттиқ муҳим масалаларда тутган йўлига қарши қаратилгандир. Шу сабабли, сўл оппортунизм, догматизм ва сектантлик жаҳон коммунистик ҳаракатида жиддий хавф сифатида тобора кўпроқ бўртиб чиқмоқда. Қардош партиялар ревизионизмга қарши курашда қатта тажриба орттирдилар, кези келганда шуни айтиш керакки, ревизионизмни пайқаш осонроқдир. Сўл оппортунизмни эса фош қилиш қийинроқ бўлади, чунки у ўзининг таслимчилик моҳиятини «ўтареволюцион» сафсаталар билан ниқоблаб, омманинг ҳиссиётидан фойдаланишга уринади. Мана шундай шароитда коммунистлар учун фақат битта тўғри йўл бўлиши мумкин: бу — ҳам ўнг, ҳам сўл оппортунизмга қарши, ҳам ревизионизмга, ҳам догматизм ва сектантликка қарши кескин кураш олиб бориш, марксизм-ленинизмни ҳар қандай шаклда бузишларга қарши муросасиз кураш олиб боришдир.

Бошқа марксчи-ленинчи партиялар сингари, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ҳам Москва кенгашларининг ҳужжатларидаги қоидаларга қатъиян риоя қилишни ҳамда ўзаро муносабатларини ана шу ҳужжатларда белгиланган принципларга мувофиқ равишда қуришни ўзининг интернационал бурчи деб ҳисоблайди. Шу сабабдан, халқаро коммунистик ҳаракатда «ўз хатоларини қайсарлик билан бўйнига олмаётган» муваққат кўпчилик «ҳамда» ҳақиқатни дадиллик ва қатъияткорлик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган «муваққат озчилик» бор, деб сўнгги вақтларда тарқатилган тезис коммунистларда жиддий ташвиш туғдирмаслиги мумкин эмас. Мана шу тезисда қаттиқ туриб олиш аслида ишни халқаро коммунистик ҳаракатни парчалашга, халқаро коммунистик ҳаракат асосланган ғоявий ва ташкилий принципларга путур етказишга олиб бориш бўлур эди, социализм ўзининг оламшумул тарихий ғалабаларига ана шу принциплар асосида эришди. Бундай тезис фақат коммунистик ҳаракатни парчалаш, марксчи-ленинчи партияларнинг умумий позицияларидан воз кечиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бу даъво яна шу жиҳати билан айниқса зararлики, у бир партияни Лениннинг чинакам вориси деб, бошқа ҳамма партияларни эса марксизм-ленинизмдан чекинувчилар деб эълон қилишдан иборат сира мисли кўрилмаган даъво билан боғлангандир. Ҳозир халқаро коммунистик ҳаракатда II Интернационал даврида, унинг парчаланиш арафасида мавжуд бўлганига ўхшаш ҳамда 1914 йил декабрь ойида Германия социал-демократик партиясининг раҳбарлари шовинизм позицияларида турган пайтда шу партиянинг сафларида содир бўлган аҳвол сингари аҳвол юз берди деб, бутун дунёга айтиш — аслида бутун халқаро коммунистик ҳаракатга сен оппортунизм, социал-демократик ревизионизм ботқоғига ботиб кетдинг деб айтиш ҳамда ўзини гўё тўғри марксча-ленинча позицияларда турган бирдан-бир партия даражасига чиқариб кўйиш демакдир. Революцион марксизм принципларини ҳимоя қилган ва оппортунизмга қарши кураш байроғини баланд кўтарган улуғ Лениннинг ўрнига ўзини қўйишга кимнинг ҳаки бор.

Ўзини В. И. Лениннинг ўрнига қўйиш, фақат бир ўзини «адолат» ва ҳақиқат посбони деб эълон қилишдан иборат ана шу ҳаддан ташқари даъвогарликни коммунистик партиялар рад этишларига шак-шубҳа йўқ. Бундай даъво таг-томири билан нотўғри бўлибгина қолмай, шу билан бирга, бошдан-оёқ ғайри қонуний дир. Лениннинг II Интернационалдаги оппортунизмга қарши курашига ўхшатиш ҳамда шу орқали коммунистлар ўртасида олиб борилаётган ҳар қандай нифоқчилик ҳаракатларини оқлашга уринишдир — тарихий ҳақиқатга ҳамда революцион йўлдан, Ленин йўлидан оғишмай бораётган халқаро коммунистик ҳаракатдаги ишларнинг ҳақиқий аҳволига тамомила зид эканлиги кимга равшан эмас. Бу уриниш шунингдек мисли кўрилмаган такаббурликдан, халқаро пролетариат олдида жуда катта хизматлари ва зўр революцион тажрибаси бўлган қардош партиялар асосий кўпчилигининг якдил фикрини ва даъватини ҳар қандай тарзда ҳурматлаш ҳисси ҳамда унга қулоқ солиш истаги батамом йўқлигидан далолат бериб турибди.

В. И. Ленин қардош партиялар капитал зулмига қарши олиб бораётган курашнинг машаққатлари ва оғир шароитларини чуқур тушуниб, бу партияларнинг ижодий фаолиятига зўр ҳурмат билан қарар эди. Бирон мамлакатдаги аҳволни яхшироқ билиб олиши лозим бўлиб қолган кезларда, аввало, у ана шу мамлакат компартиясининг фикрини ва хулосаларини синчиклаб ўрганар ҳамда бу фикр ва хулосаларга эътибор билан қарар эди. КПСС, совет коммунистлари ана шу ленинча методга қатъий амал қилиб келмоқдалар. Неча ўн йиллаб империализмга қарши мардона курашиб келган коммунистик партияларга нисбатан, шу партияларнинг жаҳондаги ҳамма революционерларнинг чуқур ҳурматига ҳақли суратда сазовор бўлган раҳбар кадрларига нисбатан танқид ўтини очаётган кишилар мутлақо ленинча иш тутмаётирлар. Масалан, яқинда жуда йирик қардош партиянинг съездига келган чет эллик меҳмонлар, съезд минбари ўзларига бериб қўйилганлигидан фойдаланиб, ана шу партияни оппортунизмда ва ўз мамлакати халқининг манфаатларига хиёнат қилишда айблаган пайтларида ленинча иш тутдилар деб бўладими, ахир?

Албан «назариячи»лари, ҳозир жаҳон коммунистик ҳаракатида фақат «ревизионистларнинг тўдалари» қолди, деб даъво қилмоқдалар. Улар гоҳ у, гоҳ бу компартиянинг «оддий коммунистлари»га беҳуда мурожаат қилиб, ана шу «тўдалар»ни «ағдариб ташлаш»ни талаб қилмоқдалар. Шу хилдаги бемаъни гапларни бутун дунёга тарқаленн, деб хизматиларини аямаётган кишилар, ҳам топилиб қолмоқда.

Халқаро коммунистик ҳаракатга қарши курашда албан раҳбарлар ва уларга далда бераётган кишилар қўлланаётган методлар — ленинизмга ёт методлардир. Бу методларнинг моҳияти КПСС-нинг ва бошқа қардош партияларнинг фикрларини ўзгартириб, бузиб, сохталаштириб кўрсатишдан, бу партиялар ҳеч қачон тутмаган позицияларни уларнинг тутган позициялари қилиб тасвирлашдан, чунончи бу партиялар гўё капиталистик мамлакатларнинг халқлари революция қилмасликлари керак, мазлум миллатлар ўз озодлиги учун кураш олиб бормаслиги керак, жаҳон халқлари империализмга қарши кураш олиб бормаслиги керак ва ҳоказо деб ҳисобламоқдалар, деган гапларни тўқиб-бичишдан иборатдир. Шуни айтмоқ керакки, троцкизм бош кўтариб чиққан вақтдан буён биронта оппортунистик оқим ҳақиқатни бутунлай бузиб кўрсатадиган, ўз мамлакатининг халқини ва жаҳон жамоатчилигини чалғитадиган бундай мудҳиш методни ишга солмаган эди. Синфий жангларнинг ўтхонасида турган, капитализмга қарши қун сайин чинакам қаҳрамонона жанглар олиб бораётган, шу сабабдан империалистик давлатлар полиция машинасининг қувғунлари ва репрессияларига дучор бўлаётган Франция, АҚШ, Италия, Испания, Англия, Греция, Белгия, Дания, Португалия, Ироқ, Чили, Аргентина, Уругвай ва бошқа кўпгина мамлакатлардаги шонли қардош партияларни халқ оммасининг курашидан четда турибдилар, империализмни қўллаб-қувватлаяптилар, деб айтиш коммунистга муносиб гапми, ахир? Бу — фидокор курашчиларнинг қадр-қимматини ерга уриш-ку! Коммунистлар душманга қарши кураш олиб бораётганида бу нарса аслини олганда шу душманга ёрдам беришдир!

Албан раҳбарлар ва уларга далда бераётган кишилар халқаро коммунистик ҳаракатнинг позицияларига қарши олиб бораётган қўпорувчилик ҳаракатларини Декларация ва Баёнотни ҳимоя қилаётирмиз деган шовқин-суронлар билан ниқоблашга уринмоқдалар. Аслида эса улар ана шу марксча-ленинча программ ҳужжатларнинг ҳарфидан ва руҳидан узоқлашиб кетдиларки, бу нарса ҳаммага очиқ-ойдин кўриниб турибди. Коммунистик ҳаракатнинг бирлиги сингари энг муҳим масалани олиб кўрайлик. Баёнот бундай деб эълон қилади: «Ишчилар синфининг иши учун кураш манфаатлари ҳар қайси коммунистик партиянинг ва ҳамма мамлакатлардаги коммунистлар буюк армиясининг сафларини тобора кўпроқ жипслаштиришни, уларнинг ирода ва ҳаракат бирлигини талаб қилади. Халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлигини доимо мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш — ҳар қайси марксчи-ленинчи партиянинг олий интернационал бурчидир».

Ахир, «муваққат кўпчилик» билан «ҳақиқатни қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган озчилик» тўғрисидаги тезиснинг ана шу марксча-ленинча қоидага бирор алоқаси борми? Албатта, йўқ. Коммунистга муносиб бўлмаган бу тезис коммунистик ҳаракатнинг бирлигига хаёсизлик билан ҳужум қилиш, ҳаракатимиз сафларида парокандалик чиқаришга, уни парчалаб юборишга умид боғлаш демакдир. Тағин, ана шу антимарксистик, антиинтернационалистик тезиснинг авторлари фактларга хилоф равишда ҳаммани биз Декларация ва Баёнотни ҳимоя қилмоқдамиз, деб ишонтиришга уринмоқдалар!

Объектив анализ қилиш натижасида кўрсатиб берилганидек, догматиклар тинчлик ва тинч-тотув яшаш учун кураш, социализмга ўтиш формалари, қардош партиялар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг принциплари сингари туб масалаларда ҳам Декларация ва Баёнотнинг хулосаларини қўпол равишда поймол қилмоқдалар. Албан раҳбарлар ва уларга далда бериб турган кишилар ўзларини Москва кенгашлари ҳужжатларининг тарафдорлари қилиб кўрсатишга қанчалик уринмасинлар, барча энг муҳим масалаларда улар халқаро коммунистик ҳаракатнинг келишиб олинган позицияларига — 1957 йилги Декларация, 1960 йилги Баёнотга қарши, Тинчлик манифести ва жаҳон халқларига Мурожаатга қарши қаратилган йўлни тутаётганликларини фактлар, уларнинг ишлари кўрсатиб турибди.

Бир коммунистик партиянинг ўзини бенуқсон бўлиш ҳуқуқига эга деб эълон қилиш ҳақидаги даъвоси ҳамда айни маҳалда бошқа коммунистик партияларнинг фикрини назар-писанд қилмаслиги мутлақо нотўғри ва коммунистик ҳаракат манфаатлари учун зararлидир. Бошқа бир қардош партия иш кўраётган ва курашаётган у ёки бу мамлакатдаги вазиятга баҳо берганда, бу — йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳолдир. Битта партия ёки бир қанча мамлакатлардаги партияларга даҳлдор бўлибгина қолмай, балки жаҳондаги ҳамма коммунистик партияларга тааллуқли бўлган энг муҳим масалалар устида, халқаро ишчилар ва коммунистик ҳаракатнинг халқаро реакция, империализм ва уруш кучларига қарши курашига доир умумий масалалар устида гап борган пайтда бу — айниқса йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳолдир. Жаҳон коммунистик ҳаракатининг бу масалалардаги позициялари 1957 ва 1960 йиллардаги Москва кенгашларининг ҳужжатларида баён қилиб берилган. Жаҳон коммунистик ҳаракатининг ана шу ягона фикрини ҳар бир коммунистик партия қатъиян ҳисобга олиши ва унга риоя қилиши керак. Бошқа йўл йўқ.

В. И. Ленин «халқаро пролетар интизоми»ни эътироф қилишнинг тарафдори эди. У бундай деб ёзган эди: «Биз, революцион пролетариатнинг халқаро интизомига бўйсуниб, турли мамлакатлардаги ишчиларнинг тажрибасини назарда тутиб, уларнинг билимлари, ҳоҳишлари билан ҳисоблашиб ва шу йўл билан бутун дунёда ишчиларнинг коммунизм учун олиб бораётган синфий курашининг бирлигини (Реннерлар, Фриц, Адлерлар ва Отто Бауэрлар сингари сўзда эмас, балки) амалда юзага чиқариб, ишчиларнинг ўз озодлиги учун кураши борасидаги улуғ масалаларни ҳал қилишимиз билан фахрланамиз» (Асарлар, 31-том, 275-276-бетлар). В. И. Ленин таълим берган эдики, ҳар бир онгли ишчи ўзини халқаро марксистлар оиласининг аъзоси деб ҳис қилмоғи лозим ҳамда «халқаро ишчилар армиясидан бир минут ҳам ажралмаслиги керак» (Асарлар, 5-нашри, 24-том, 201-бет).

Коммунистик партияларнинг ягона устави бўлмаса ҳам, лекин уларда Москва кенгашларининг ҳамма учун умумий, мажбурий бўлган қарорлари бор. Ана шу қарорларга содиқ бўлиш — ҳар бир коммунистик партиянинг интернационал бурчидир. Ҳозирги замон шароитида Москва кенгашларининг коллектив бўлиб ишлаб чиқилган қарорларини бажармаслик — коммунистик ҳаракатнинг бирлигини бузиш, «миллий хонадонларга» тарқалиб кетиш бўлур эди, оқибат-натижада империализмнинг ўз планларини амалга оширишига ёрдам кўрсатиш, халқларнинг озодлик курашига тўсқинлик қилиш бўлур эди.

Коммунистларга «кўпчилик» ва «озчилик» га бўлиниб кетиш эмас, балки бирлик, бирлик ва яна бир марта бирлик керак. Ўз жипслиги ва бирлигини муқаддас сақлаш — коммунистик ҳаракатнинг олий қонуни, унинг ҳамма тусдаги реформистлардан ажратиб турадиган ўзига хос муҳим фазилатидир.

«Ишчилар синфи учун, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — бирлик зарур. Бирликни фақат бир бутун ташкилотгина амалга оширади ва унинг қарорларини ҳамма онгли ишчилар қўрққанларидан эмас, балки виждонан амалга оширадилар. Масалани муҳокама қилиш, турли-туман фикр билдириш ва эшитиш, уюшган марксистларнинг **кўпчилигининг** қарашларини билиш, сиртдан бўладиган қарорда бу қарашни изҳор қилиш, бу қарорни ҳалоллик билан бажариш — дунёнинг ҳамма ерида, ҳамма идроклы одамлар ўртасида ана шулар **бирлик** деб аталади. Худди ана шундай бирлик ишчилар синфи учун беҳад қимматли, беҳад муҳимдир. Тарқоқ ишчилар — ҳеч нарса эмас. Ҳамма гап бирлашган ишчиларда» (Асарлар, 19-том, 541-бет). В. И. Лениннинг бу сўзларини ҳеч қачон унутмаслик керак.

II Интернационал даврида жаҳон буржуазияси социал-демократия бошлиқларининг хиёнатини табриклади ва Ленинга ҳамда ленинизмга қарши қаттиқ кураш очди. Жаҳон буржуазияси бир вақтлар Ленинга ва большевикларга қарши қандай шиддатли кураш олиб борган бўлса, эндиликда коммунистик партияларга қарши худди шундай шиддатли кураш олиб бормоқда ва коммунистик партияларни ўзининг энг асосий мухолифлари деб, халқ манфаатлари учун, капитализмни ва халқ оммасининг эксплуатация қилинишини тугатиш учун энг саботли курашчилар деб ҳақли суратда ҳисобламоқда. Империализмга қарши, халқларнинг бахтсаодати ва озодлиги учун, социализм ғалабаси учун кун сайин чинакам, реал, ҳақиқатан ҳам қаҳрамонона кураш олиб бораётган улуғ армияни «муваққат кўпчилик», «ўз хатоларини ўжарлик билан тан олмаётган» ва II Интернационал бошлиқлари каби гўё ревизионистсиз ўйлдан бораётган партия, деб эълон қилиш — революциянинг асосий кучига зарба бериш, революция ишининг ғалаба қозонишига тўсқинлик қилиш демакдир.

Совет Иттифоқи, социалистик лагерь, халқаро коммунистик, ишчилар ҳаракати ва миллий-озодлик ҳаракати империализмга қарши, тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм учун буюк тарихий кураш олиб бораётганлигини ҳозир бутун прогрессив инсоният чуқур англамоқда. Империализм сиёсатдонлари ва идеологлари аввало, Совет Иттифоқини, социалистик лагерни, коммунистик партияларни ва уларни қўллаб-қувватлаётган кучларни ўзларининг асосий душмани деб биладилар. Империализмнинг бутун улкан машинаси ўзининг энг асосий зарбасини коммунизмга қарши, голибона суратда социализм ва коммунизм қураётган мамлакатларнинг идеяларига қарши, уларнинг сиёсатига қарши қаратмоқда.

Шу нарсани кўрмаслик мумкин эмаски, империалистлар коммунистлар орасида рўй берган ихтилофлардан фойдаланиб қолишга интилмоқдалар ва бу нарса «Ғарбга наф келтиради», «коммунистларнинг муваффақият қозонишларига халақит беради» деб очиқдан-очиқ гапирмоқдалар. Шу нарса жуда характерлики, «эркин дунёни мустаҳкамлаш», «ғарб иттифоқини жипслаштириш»га ва ҳоказоларга ундаб қилинган даъватлар худди шу вақтда эшитилиб турибди. Империалистик лагерь раҳбарларининг тинчлик, демократия ва социализм кучларини заифлаштириш ва шу йўл билан реакция ҳамда агрессия позицияларини мустаҳкамлаш йўлидаги ана шу уринишларига халқаро коммунистик ҳаракат ўз сафларининг бирлигини янада маҳкам жипслаштириш ва мустаҳкамлаш билан жавоб бериши керак.

Коммунистик ҳаракат олдида ғоят мураккаб ва масъулиятли вазифалар турибди. Халқ оммасининг туб манфаатлари, империализмга қарши, шармандали эксплуатация ва миллий зулм системасини тугатиш учун, социализм ва коммунизм тантанаси учун муваффақиятли курашни авж олдириш коммунистик партиялар халқаро иттифоқини, бу иттифоқнинг бузилмас, мустаҳкам бирлигини янада мустаҳкамлаб боришни қаттиқ талаб этади. Ҳозиргидек ғоят масъулиятли тарихий бир даврда энг асосий нарсани, ҳозирги вақтда коммунистик партияларнинг бирлигини бутун чоралар билан ва астойдил мустаҳкамлаш талаб этилаётганлигини англамай, халқларнинг туб манфаатларига хилоф ҳаракат қиладиган бирор арбобни ҳам тарих кечирмайди. Жаҳон коммунистик ҳаракати билан Албания раҳбарлари ва уларнинг тарафдорлари ўртасидаги мавжуд ихтилофларнинг империализмга қарши, миллий мустақиллик, тинчлик, демократия, социализм ва коммунизм учун кураш вазифаларидан жаҳон коммунистларини ажратиб қўйишга асло йўл бериш мумкин эмас.

Бирор масала юзасидан айрим компартиялар ўртасида рўй берадиган ихтилофлар социалистик мамлакатларнинг социал тузумида чуқур илдизга эга эмас. Капитализм шароитида зиддиятларнинг объектив негизи мавжуд бўлиб, шу сабабли улар антагонистик характерга эгадир, коммунистик партиялардаги ихтилофлар эса аввало, субъектив характерга эгадир. Бинобарин, ана шу ихтилофларни муваффақиятли суратда бартараф қилмоқ учун ҳамма асослар бор. Халқаро коммунистик ҳаракатнинг олий мақсадлари ва манфаатларини асос қилиб олиш ҳамда яқинлашиш йўлларини, ҳамкорлик қилиш ва бирлашиш йўлларини қидириб топиш керак. Агар ўзларининг алоҳида позицияларини ўжарлик билан қувватламасалар, агар марксизм-ленинизмга амал қилиниб, бутун ҳаракат учун умумий бўлган олий манфаатлар асос қилиб олинадиган бўлса, бутун ҳаракат билан бирга бориш учун «ақлнинг жисмоний кучи» топиладиган бўлса, у ҳолда коммунистик ҳаракатнинг интернационал жипслиги таъминланган бўлади.

1960 йилги кенгаш халқаро коммунистик ҳаракат сафларининг жипслиги ва бирлиги манфаатларини кўзлаб, партиялар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг принципларини белгилади. Партиялар ўз фаолиятида ана шу принципларга амал қилишлари керак. Бу принципларнинг бирбири билан боғланган икки томони бор: барча масалаларни тенг ҳуқуқлилик асосида, учрашувлар йўли билан муҳокама қилиш керак, шу билан бирга қуйидагилар таъкидлаб ўтилган эди: «Марксизм-ленинизм принциплари, пролетар интернационализми асосида халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини қатъий ҳимоя қилиш, бу бирликка путур етказа оладиган ҳар қандай ҳаракатларга йўл қўймаслик миллий мустақиллик, демократия ва тинчлик учун, социалистик революциянинг, социализм ва коммунизм қурилишининг вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш учун курашда ғалаба қозонишнинг зарур шартидир». Ҳаракатимизнинг ўзаро маҳкам боғланган ана шу қонунларини бирбиридан ажратишга асло йўл қўйиш мумкин эмас. Халқаро коммунистик ҳаракат сафларида ихтилофчилик ишларига йўл қўйиб бўлмайди. Ана шу талабга эътиборсиз қараш коммунистик партиялар қардошларча бирлигининг асосларига путур етказишдан ва пролетар интернационализми принципига дахл қилишдан бошқа бир нарса эмас. Бу талабга эътиборсиз қараш, аввало, «озчилик» оқимининг пайдо бўлишига, сўнгра эса халқаро коммунистик ҳаракат сафларининг бузилиш хавфини туғдиришга олиб келиши мумкинки, бу нарса халқаро коммунистик ҳаракатнинг умумий душмани — халқаро империализмни хурсанд қилган бўлур эди.

Партиянинг XX ва XXII съездлари белгилаб берган КПСС йўли — социализмнинг барча кучларини жипслаштириш, барча қардош партиялар ўртасидаги бирликни мустаҳкамлаш, антиимпериалистик фронтнинг ҳамма кучларини жипслаштириш йўлидир. Бу йўл социалистик, Югославия билан муносабатларимизни ривожлантиришдаги позициямизга ҳам асос қилиб олинди. Кейинги вақтларда Югославия коммунистлари ва уларнинг раҳбарларининг ички ҳамда ташқи сиёсат соҳасида қўйган қадамлари хатоликдан иборат бўлган ва Югославияда социализм қуриш ишига зарар етказган кўп нарсаларга барҳам берди. Югославия коммунистлари бутун жаҳон коммунистик ҳаракати билан яқинлашиш ва бирлашиш томон қадам қўйдилар. Югославияда «капитализм тикланди», бу мамлакатда «янги буржуа унсурлар» ҳукмрон бўлиб қолди, деб даъво қилувчи киши ҳақиқатдан атайин юз ўгирмоқда, фактларни ва ҳодисаларни таҳлил этишни истамаётир балки булар ўрнига уйдирмаларни тўқимоқда, бутун бир мамлакат халқини социализм учун курашувчилар сафидан суриб чиқаришга уринмоқда. КПСС ошкора суратда шуни айтадики, бир қанча идеология масалаларидаги қарашларимиз Югославия Коммунистлар союзи билан ҳали бир хил эмас. Аммо Югославиянинг коммунизм қураётган мамлакат билан яқинлашуви бир қанча идеология масалаларидаги келишмовчиликларни тезроқ бартараф қилишга ёрдам бериши мумкин. Социализм кучларини жипслаштириш коммунистик ҳаракат манфаатларига мувофиқ келадими? Ҳа, шубҳасиз, мувофиқ келади. КПСС социализм мамлакатларини, барча коммунистик партияларни бир-биридан ажратиб юборишга эмас, балки уларни жипслаштиришга интилмоқда.

Коммунистик ҳаракатда «юқори турган» ва «бўйсунувчи» бўлган партиялар йўқ. Коммунистик партиялар қардош партиялардир. Уларнинг идеологияси битта, у ҳам бўлса марксизм-ленинизмдир, уларнинг мақсадлари битта, у ҳам бўлса империализмга қарши, коммунизм тантанаси учун курашдир. Барча коммунистик партиялар тенг ва мустақилдирлар, уларнинг ҳаммаси коммунистик ҳаракат тақдири учун, бу ҳаракатнинг ғалабалари ва муваффақиятсизликлари учун жавобгардирлар. Бу қоидаларни биринчи бўлиб бизнинг партиямиз илгари сурди. КПСС ўз ташаббуси билан коммунистик ҳаракатнинг Баёнотида ва бошқа ҳужжатларида Совет Иттифоқи социалистик лагерга бошчилик қилмоқда, КПСС эса, коммунистик ҳаракатга бошчилик қилмоқда, деган ибора киритилмасин, деб таклиф қилди. Бу эса КПСС қардош партияларнинг ҳуқуқий тенглиги ва дарҳамлиги принципларига қаттиқ амал қилаётганлигини, пролетар интернационализми принципларига чексиз содиқ эканлигини кўрсатувчи далилларнинг биридир. Пролетар интернационализмига садоқат партиямизнинг жон ва танига сингиб кетди, барча мамлакатларнинг халқлари кун сайин жуда кўп мисолларни кўриб, бунга ишонч ҳосил қилмоқдалар.

Социализмга биринчи бўлиб йўл очган, коммунизм чўққиларини биринчи бўлиб штурм қилаётган, бошқа мамлакатларда социализм қурувчиларга, миллий-озодлик ҳаракати курашчиларига ҳар томонлама қардошларча ёрдам бераётган ва коммунистик ҳаракатни тинмай жипслаштираётган, тинлик учун, инсониятни термоядро уруши даҳшатларидан қутқазиш учун кураш байроғини баланд кўтарган Ленин партияси ўзининг ана шу ҳамма ишлари ва бошқа ишлари билан ўз интернационал бурчини шараф билан бажармоқда. Мана шу фактларга қарамай, КПСС интернационализмига, унинг жаҳон миқёсидаги озодлик ҳаракатига қўшаётган буюк ҳиссасига доғ туширмоқчи бўлган киши барча халқларнинг озодлик курашига зарар етказади.

Коммунистик партияларнинг низоли масалаларни коллектив бўлиб муҳокама қилиш йўли билан ҳал этиш каби синалган методи бор. Бизнинг партиямиз ҳамиша ана шу методга тарафдор бўлиб келди. КПСС шу нарсага чуқур аминдирки, ҳозирги жаҳон тараққиётининг энг муҳим масалаларида коллектив бўлиб муҳокама қилиш халқаро коммунистик ҳаракатнинг жипслигини таъминлаш имконини беради.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси халқлар буюк социалистик ҳамдўстлигининг бирлиги учун, марксизм-ленинизмнинг буюк принципларига асосида халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлаш учун ҳар қандай нифоқчилик ҳаракатларига қарши бундан буён ҳам тинмай кураш олиб боради.

(«ПРАВДА», 7 январь).

ЯНГИ ЙИЛДА ЯНГИ ЗАФАРЛАР

ВАҚТНИНГ ЖИЛОВИДАН УШЛАБ

Ингичка кончилари еттинчи йилликнинг бешинчи йилида ҳам баракали меҳнат қилмоқдалар. «Вақт амримизга бўйсунади!», — дейишади кончилар ва сараловчилар. Ҳақ гап. Кон бошқармасига қарашли кўпгина бригадалар янги йилнинг февраль ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. В. Шарипов, В. Веселов, Р. Қаршиев бошлиқ бригадалар шулар жумласидандир. Бу бригада аъзолари бутун коллективни янги меҳнат зафарларига руҳлантирмоқда.

ТАНОБИ ТОРТИЛГАН МАСОФАЛАР

Когон тепловоз депоси машинистлари йил бошидан буён 28 та оғир юкли поезд бошқардилар. Нормадан ташқари 13 минг тонна халқ хўжалиги юклари манзилларга етказиб берилди. Машинистлардан Тўра Усмонов, Анвар Ўрмонов ўртоқларнинг ҳар бири иккитадан оғир юкли поезд бошқарди. Депо машинистлари қўплаб ёнилғи тежаш, локомотивларнинг қувватидан унумли фойдаланиб, уларнинг тезлигини ошириш учун курашмоқдалар.

ПОЙАФЗАЛЧИЛАР КАЛЕНДАРИДА — 1965 ЙИЛ

Тошкент. Ўтган йили планга қўшимча 55 минг жуфт оёқ кийими тайёрлаган 1-пойафзал фабрикаси коллективида еттинчи йилликни олти йилда бажариш учун мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Корхонанинг Маҳмуд Юсупов, Ҳамидулла Абдуллаев, Иван Корниенко, Люба Хламушкина сингари ўнлаб ишчилари шу кунларда 1964 ва 1965 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

ҚОР ТАГИДА БАҲОР

Ҳали ерда қор ётган бўлса ҳам, қишлоқ меҳнаткашлари баҳор ғамида. Ирригаторлар ҳам мўл ҳосил учун замин тайёрлашда дала меҳнаткашларига кўмаклашмоқдалар. Облсть суғориш шохобчалари системасида кўкламга тайёргарлик ишлари қизиб кетди. Суғориш шохобчаларини тозалаш, янгиларини қазишда биринчи қурилиш-монтаж бошқармасининг экскаваторчиси Н. Симонов ва бульдозерчиси Ў. Мирзақулов ўртоқлар смена топшириқларини бир ярим-икки ҳисса ошириб бажариб, алоҳида намуна кўрсатмоқдалар.

«АТЛАС» ФИРМАСИ

Ўзбекистонда яна бир ишлаб чиқариш бирлашмаси — «Атлас» шойи тўқиш фирмаси тузилди. Бу фирмага Марғилоннинг учта корхонаси, шунингдек Тошлоқдаги Охунбобоев номли шойи тўқиш фабрикаси бирлаштирилди. Марғилондаги «Байналмилал» фабрикаси бош корхона бўлди.

Фан ютуқларидан, мамлакатдаги ўхшаш илғор корхоналарнинг ютуқларидан яхшироқ фойдаланиш учун фирма тўқимачилик, химия ва иқтисодий лабораториялар, конструкторлик бюроси ва техника ахбороти бўлими ташкил қилади. Ишлаб чиқариш биноларини реконструкция қилиш, янги корпуслар қуриш проектларини ишлаб чиқишга киришилди.

Кувасой цемент заводи коллективи етти йилликнинг бешинчи йили дастлабки кунларданоқ машина ускуналар қувватидан самарали фойдаланиб, ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Коммунистик меҳнат сменасининг аъзолари (чапдан ўнгга) машинист А. Салин, моторист Н. Коваленко, слесарлар бригадасининг бошлиғи Ф. Брайкин ва машинист Х. Жўраев ўртоқлар ҳар сменада планга қўшимча равишда кўплаб маҳсулот етказиб беришга муваффақ бўлмоқдалар. Уларни суратда кўриб турибсиз.

Г. Бойко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЭНГ ЯХШИ ИСТАКЛАР

Таиланд миллий байрами муносабати билан Н. С. Хрушчев Таиланд Министрлар Советининг ранси фельдмаршал Сарит Танаратга телеграмма юбориб, у телеграммада Таиланднинг меҳнатсевар халқига фаровонлик ва бахт-саодат тилаб, энг яхши истакларни йўллайди.

Миллий байрам муносабати билан Л. И. Брежнев Таиланд короли Пумипон Адульядетга табрикнома юборди.

Таиланд короли ва бош министри жавоб телеграммаларида билдирган яхши истаклари учун Н. С. Хрушчевга ва Л. И. Брежневга миннатдорчилик изҳор қилдилар. (ТАСС).

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ УЛАН-БАТОРГА КЕЛДИ

УЛАН-БАТОР, 7 январь. (ТАСС). Монголия Халқ-революцион партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси бугун КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. Ф. Ильичев бошлиқ КПСС делегациясини қабул қилди. КПСС делегацияси бу ерга Монголия Халқ-революцион партияси Марказий Комитетининг таклифига мувофиқ идеология иши масалалари бўйича кенгашда қатнашмоқ учун келди.

Бўлиб ўтган суҳбат вақтида, деб хабар қилади Монцамэ агентлиги, Ц. Дугэрсурэн, Н. Жагварал, Д. Моломжамц, Ж. Самбу, Ю. Цеденбал, Л. Цэнд, Д. Майдар ўртоқлар, Монголия Халқ-революцион партияси Марказий Комитетининг секретари Б. Лхамсурэн ва Монголия Халқ-революцион партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Совети раисининг ўринбосари Т. Рагча қатнашдилар.

Бугун КПСС делегацияси Монголия давлат университетига, давлат марказий музейига ва давлат полиграфия комбинатига борди.



Тошкентдаги йирик панелли уй қуриш комбинати яқинида 140 ўринли болалар боғчаси қурилмоқда. 974 УНР коллективи барпо этаётган бу гўзал бино кичкинтойларга яхши совға бўлади.

Р. Жабборов фотоси.

ҚИШКИ КАНИКУЛ КЎНГИЛЛИ ЎТМОҚДА

Мактабларда қишки каникул бошланганига бир неча кун бўлди. Бутун ўлкага ўзининг оппоқ дастурхонини ёзган қиш кунларини мактаб ўқувчилари хушчаққалик билан ўтказмоқдалар.

Пойтахт ўқувчилари учун Свердлов номидаги концерт залида ўрнатилган улкан арча атрофи айниқса гавжум бўлди. Минглаб ўқувчилар бу ерга келиб турли ўйинлар ўйнашди, санъат усталарининг концертларини томоша қилишди, музикалар тинглашди. Каникул кунлари республика ёш томошабинлар театри ўқувчиларга яхши совға тайёрлади. Театр саҳнасида «Чиранчоқ қуёнча», «Она қалби», «Севганим учун», «Ажойиб уруг», «Сенга ишонаман» ва бошқа спектакллар кўрсатилди. Шунингдек, катта ёшдаги ўқувчилар учун турли тематик кечалар ўтказилди. Республика қўғирчоқ театри эса ўзининг янги спектакллари билан кичкинтой томошабинларни хурсанд қилди. Бу ерда улар каникул кунлари «Қорбобонинг совғалари», «Пряникдан уйча», «Морозко» каби томошаларни кўрдилар.

Фарғона, Андижон, Бухоро ва республикамизнинг бошқа шаҳарлари ва қишлоқларидаги мактаб ўқувчилари ҳам каникулни қизиқарли ўтказмоқдалар.

Томошалар. Эълонлар

РАДИО

8 ЯНВАРДА

Биринчи программа: 7.40 — Пионер эрталари, 8.25 — Концерт (Ўзбекистон радио ва телевидение солистлари ижросида), 9.50 — Саноат ходимлари учун (тожик тилида), 10.30 — Лирик асарлар, 11.20 — Олга бос, етти йиллик (адабий-музикали эшиттириш), 12.30 — «Россияда ким яхши яшайди» (Н. А. Некрасов вафотининг 85 йиллиги муносабати билан радиокомпозиция), 13.30 — Чайковский романслари, 15.35 — Композитор Шопен (Ўзбек тилида). Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми олдидан. 17.40 — Е. Шукуров. «Унга ишонса бўлади» (Ўзбек тилида). 18.05 — Арча чироқлари ёнмоқда (репортаж), 18.30 — Некрасов ва музика, 19.20 — Концерт (қорақалпоқ куйларидан), 20.00 — Халқ ҳурматига сазовор бўлиш учун (рус тилида очерк), 20.10 — Кечки куйлар, 20.45 — Кўп ва арзон қурайлик (Ўзбек тилида), 22.05 — Ўзбек совет прозаси усталари (рус тилида), 22.25 — Концерт (қўриқ ерларни ўзлаштирувчилар талабига мувофиқ), 23.15 — Совет музикаси кечаси.

Иккинчи программа: 19.00 — Грузин композиторлари Цинцадзе. Ч. Айтматов ҳикояси «Бўтакўз» («Ленин мукофотига тақдим этилган асарлар» циклидан), 20.10 — Опералардан парчалар, 20.45 — Ешлар учун (рус тилида), 21.00 — Композитор Шаҳобов асарлари, 21.30 — Концерт (кекса санъат усталари ижросида).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

8 ЯНВАРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 12.00 — **Коппелия** балети (Навоий номли театрдан), «Танаффус вақтларида **Киножурналлар**, 18.00 — **Мультипликацион фильм** (болалар учун), 18.25 — **Телевизион янгиликлар**, 18.40 — **Концерт** (мактаб ўқувчилари учун), 19.10. — **Узоқ Чилида** (ҳужжатли фильм), 19.30 — **Совет Туркманистони** киножурнали 19.40 — **Жардан сакраш** номли киноповесть.

Ўзбек тилида: 21.05 — **Телевизион янгиликлар**, 21.20 — Ҳамза номли театрнинг **Олов** спектаклидан парчадар, эшиттириш охирида — **Сўнгги ахборот** (Ўзбек ва рус тилларида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.30 — С. А. Баласанян. **Бахтиёр ва Ниссо** (фильм-опера), 21.05 — **Маритэ** номли бадиий фильм (рус тилида).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/I да кундуз **Доктор Айболит**, кечқурун **Риголетто**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/I да кундуз **Ҳамза**, кечқурун **Қуғунлар**' 9/I да кундуз **Шубҳа**, кечқурун **Олов**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/I да **Кимга тўй, кимга аза**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 10/I гача **«Цирнда арча»** ва **Катта янги йил томошалари**. Кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда бошланади.

КИНО

Улимнинг ўз юзи бор — «ВАТАН», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Ҳарбий музика — «МИР», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Шуҳрат ҳалқаси — НАВОИЙ номли (кеч соат 5 гача), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз 3-15 минутдан), «СПУТНИК» (эрталаб 11, 1 ва 3 да), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Алангали йиллар қиссаси — НАВОИЙ номли (кеч соат 5 дан), «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун).

Капитан Грант болалари — «МИР» (эрталаб 10 ва кундуз 12 да).

Кичик хаёлпарастлар — «ЕШ ГВАРДИЯ» кундуз соат 3-15 минутгача), «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб 10 да).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

13 январь кундуз соат 4 да шаҳар студентлари учун 5-абонемент бўйича **«Ўзбек оммабоп музика ва қўшиқлари»** деган темада биринчи

концерт-лекция

Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Ғулом Абдурахмонов, Насим Ҳошимов,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Коммуна Исмсилова, Кундуз Мирнаримова, Михаил Давидов,** солистлардан **Неъмат Қулабдуллаев, Клара Жалилова** ва бошқалар қатнашади.

1963 йил 19 январь кундуз соат 2 да. В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети география факультетининг илмий совети мажлисида (Ленинград кўчаси, 19-уй, 112-аудитория)

В. Ф. Суслов

география фанлари қандидати деган илмий даражани олиш учун: «Федченко музлиги ҳавзасининг геоморфологик шароити ва ҳозирги замон музланиши» деган темада

диссертация ёқлайди

Диссертация билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

Оламда нимлар гап

САВДО АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

БУХАРЕСТ. (ТАСС). Халқ хўжалигининг гоят тез суръатлар билан ривожланаётганлиги Руминиянинг бошқа мамлакатлар билан савдо алоқаларини кенгайтириш учун шароит вужудга келтирди. Ўтган йили республика ташқи савдосининг ҳажми 1948 йилдагига нисбатан 6,5 баравардан зиёд ортди.

Аджерпресс агентлиги хабар беради: Руминия товарлари ҳозир жаҳоннинг 89 мамлакатига юборилмоқда. Экспорт қилинаётган товарлар орасида, аввало, машинасозлик, химия ва электротехника саноати махсулотлари кўзга ташланади: Кейинги йилларда Руминия саноат учун керакли комплект ускуналар ва турли машиналарни чет эллардан кўпроқ сотиб олмоқда.

Осиё ва Африкадаги кам тараққий этган мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар тўхтовсиз ривожланмоқда.

МУҲИМ ОБЪЕКТ ИШГА ТУШИРИЛДИ

ВАРШАВА. (ТАСС). Катовици яқинидаги Семяновицида «Едность» металлургия заводида пўлатни узлуксиз қуядиган янги агрегат ишга тушириди, деб хабар қилади Польша матбуот агентлиги.

Бу замонавий агрегат батамом поляк мутахассислари томонидан лойиҳалаштирилган ва тайёрлангандир. Ана шу агрегат устида иш олиб борган вақтда поляк инженерлари ва конструкторларига совет мутахассислари консультация бердилар.

Батамом автоматлаштирилган агрегатга атиги 8 киши хизмат қилади. Улар ишлаб чиқариш процессининг айрим боскичларини масофадан туриб бошқарадилар ва тўрт телевизион камера ёрдами билан унинг ишлашини кузатиб турадилар. Агрегат мураккаб қурилмаларининг бутун комплекси ер тагида, 40 метрдан зиёд чуқурликдаги темир-бетон қудуқ ичида турибди.

Йилига 120 минг тонна пўлат ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган бу агрегатни қуриш тахминан 80 миллион злотига тушди. Сарф қилинган маблағ икки йилга тўлар-тўлмас ўзини қоплайди. Агрегатни қуриш бир ярим йил давом этди.

КАТАНГАДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

ПАРИЖ, (ТАСС). Катангадаги воқеалар тўғрисида Конгодан ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан олинаётган хабарлар бир-бирига тамомила зид. Франс Пресс агентлиги мухбирининг Элизабетвилдан хабар беришича, бу ерда Катанга сепаратчиларининг раҳбари Чомбе ўз штаб-квартираси билан Колвези шаҳрида жойлашган, деб ўйлайдилар. Колвези шаҳри Элизабетвилдан тахминан 180 миля ғарби-шимолдадир.

Чомбе жойлашиб олган жойи шу «сўнгги қалъа» Катангадаги йирик кон-руда саноати марказидир. Бу ерда «Юнион миньер» компаниясининг корхоналари бор. Мухбирнинг хабар беришича, Чомбе Колвезида «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кўролли кучлари билан сўнгги жанг»га тайёрланмоқда. Катанга армиясининг солдатлари ва ёлланган аскарлари шаҳарни ҳимоя қилишга зўр бериб тайёрланмоқдалар. Йўллар ўраб олинган, пистирмаларга миномёт ва пулемётлар ўрнатилган.

ЛОНДОН. (ТАСС). Рейтер агентлиги мухбири Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги штаб-квартирасидан хабар беради: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретарь У Танга яқин турган юқори мартабали доираларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қўшинлари хозирги вақтда Колвезига хужум қилмайди, деб ўйлямоқдалар. Мухбирнинг айтишича, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қўшинлари Колвези томон силжиб боришни ўхтатиш тўғрисида буйруқ олганлар.

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти штаб-квартирасидан хабар беришича, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг вакили БМТ қўшинлари Колвези томон силжиб бормоқдалар, деган хабар «тамомила асоссиз» эканлигини айтиб, бундай хабарларни рад этган.

ЛОНДОН. (ТАСС). Конгодан олинаётган ва бир-бирига зид бўлган маълумотлар Ғарбий Европадаги монополистик доиралар Чомбени узил-кесил тор-мор қилишишдан саклаб қолиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қўшинларининг Катангадаги операцияларини тўхтатишга муваффак бўлганликлари ёки муваффак бўлмаганликлари тўғрисида аник тасаввурга эга бўлиш имконини бермаётир.

Рейтер агентлигининг мухбири Леопольдвилдан хабар беради: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретарининг махсус сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Банч шошилинч визит билан бу ерга келиши ҳамоно Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қўшинлари Катанганинг ҳамма кисмида, шу жумладан Колвезида «бир жойдан иккинчи жойга бемалол бориш» тартибини ўрнатиш мақсадида ўз операцияларини давом эттиради, деган. Маълумки, хозирги вақтда Чомбе армиясининг асосий кисмлари Колвезига тўпланмоқда. Банч Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қўшинлари «бундан буён қаршиликка дуч келмай» силжиб боражагига умид қилганини хам айтган.

Айни вактда Элизабетвилдан хабар беришларича, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қўшинлари иш-ғол қилган позицияларини мустахкамламоқдалар ва юкори мансабдаги офицерларнинг сўзларига қараганда, бу қўшинлар хозирги вактда Колвезига хужум қилиш ниятида эмаслар.

ФРАНЦИЯДА ОАС-ЧИЛАРНИНГ БИР ГРУППАСИ ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

ПАРИЖ, (ТАСС). Франция полициясы «махфий қуролли ташкилот» (ОАС) аъзоларидан 11 кишини қамоққа олди. Оасчилар террорчилар шайкасининг қатнашчилари эканлигига иқрор бўлдилар. Бу шайкага парламент депутати, деголлчилар партияси ЮНР аъзоси Сангинеттини ўлдириш тўғрисида топшириқ берилган экан. Қамоққа олинганлар ўтган йилнинг июль ойида Испанияда оасчиларнинг бошлиқлари — собиқ генерал Гарди ва собиқ капитан Сузэр билан учрашганликларига хам иқрор бўлдилар. Испанияда уларга Сангинеттини ўлдириш ҳақида топшириқ берилган.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН КАДРЛАР

БУХАРЕСТ. (ТАСС). Ҳозирги вақтда Руминя қишлоқ хўжалигида олий маълумотли 20.000 агроном ва бошқа мутахассислар ишламоқда. Мавжуд маълумотларга қараганда, республикадаги ҳар бир коллектив қишлоқ хўжалигига бир агроном ва ҳар бир давлат қишлоқ хўжалигига 4-5 агроном ва ветеринария врачлари тўғри келади.

Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини пухта бошқариш ва уларга раҳбарлик қилиш учун 1970 йилга келиб, мамлакатда қишлоқ хўжалиги соҳасида олий маълумотли яна 9.400 мутахассис ва 2.400 га яқин инженер-механиклар тайёрланади. Бунинг натижасида, деб хабар беради Аджерпресс агентлиги, 1970 йилда Руминиядаги ҳар бир коллектив қишлоқ хўжалигида ўрта ҳисобда уч олий маълумотли мутахассис, ҳар бир давлат қишлоқ хўжалигида ўрта ҳисобда етти агроном ва ветеринария врачлари ишлайди.

ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРДАН ХАБАРЛАР

⊙ **СССРнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги вакили Н. Т. Федоренко Нью-Йоркка келди.**

⊙ **Цейлон бош министри С. Бандаранаике ва Индонезия биринчи министрининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Субандрио Пекиндан Ханчжоуга келдилар. С. Бандаранаике ва Субандрионинг мамлакат бўйлаб қиладиган сафарида Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лай ва бош министр ўринбосари ҳамда Хитой Халқ Республикасининг ташқи ишлар министри Чэнь И уларга ҳамроҳ бўладилар.**

⊙ **Индонезия тинчлик комитети умумий тинчликни сақлаш проблемаси билан боғлиқ бўлган бир қанча халқаро масалаларни муҳокама қилди ва бу масалалар юзасидан резолюциялар қабул қилди.**

Куба масаласи юзасидан қабул қилинган резолюцияда қуйидагилар таъкидланади: Совет Иттифоқи тинчликка интилаётганлигини бутун дунёга намойиш қилган бир пайтда, Қўшма Штатлар ҳам тинчликсеварлик тўғрисидаги гапларнинг қандай аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиши керак. Комитет бутун дунё халқларини ўзгаларнинг территорияларидаги Америка ҳарбий базаларини тугатишни талаб қилиб чиқишга чақирди.

Индонезия тинчлик тарафдорлари ёппасига ва батамом қуролсизланиш йўлидаги курашни кучайтириш зарур эканлигини ҳам таъкидладилар.

⊙ **Қўшма Штатларнинг кўп районларида ишсизлар сони ой сайин кўпайиб бормоқда. Бутун мамлакатда ишсизлар сони кейинги 6 ой ичида ўрта ҳисобда 5,5 процент даражасида турган бўлса, бир қанча районларда 10-12 процент ва бундан ҳам ошиб кетди.**

⊙ **Ҳозирги вақтда Франциядa 1 миллион 828 минг квартира етишмаётир. Лекин шунга қарамай, 1963 йилда атиги 94 минг квартира, яъни ўтган йилдагидан 20 мингдан ҳам кам квартира қуриш мўлжалланмоқда.**

⊙ **Норвегия савдо флоти 1963 йил 1 январгача 12 миллион 725 минг брутто-тонна ҳажмидаги 2.847 кемадан иборат. (ТАСС).**

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

МЕҲР

Хосият Тошкентдаги биринчи пойафзал фабрикасига ишга келганида ёш қиз эди. Отаси фронтда душман билан жанг қилиб турган, онаси оғир аҳволда қолган пайтда уйда ўтириш Хосият сингари меҳнатсевар қизларга ярашмас эди-да.

Шогирд бўлиб ишлай бошлаган Хосият дастлабки кунларда анча қийналди: «Мендан ишчи чиқмас экан», деб руҳи тушди. Аммо, фабрикадаги хотин-қизлар унга ёрдам қилишди. Ўз ҳунарларини қунт билан ўргатишди. Кўп ўтмай, Хосият туфли тикиш цехида ишлай бошлади. Ўз касбига меҳри тушиб қолган чаққон ва эпчил қиз дастлабки қийинчиликларни енгди. У, илғорлар сафига кўтарила бошлади. Номи тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди...

Мана, орадан кўп йиллар ўтди. Хосият илғор ишчи бўлиб етишди.

— Хосият Исаева смена топшириғини 200 процентга етказиб бажаряпти, — деди фабрика касаба союз комитетининг раиси К. Абдуллаев.

— Мен янги ишга келганимда бундай машиналар йўқ эди, — деб ҳикоя қилади Хосият. — У пайтда кўп ишлар қўлда бажарилар эди. Ҳозир янги машиналар кўпайиб, ишимиз осонлашиб қолди.

Мен ишлаётган тикув участкасига яқинда коммунистик меҳнат бригадаси номи берилди. Бу эса, ишчиларнинг ғайратини янада ошириб юборди.

Хосият ўзини бу касбга ўргатган устозлари Т. Можакина, Н. Кудряшева ҳамда Т. Петроваларнинг номларини ҳурмат билан тилга олиб, улардан жуда-жуда миннатдор эканлигини айтди.

Яқинда Хосият Исаева ҳаётида қувончли воқеа рўй берди: У КПСС аъзолигига қабул қилинди.

А. РАҲИМОВ.

Банч Конгога келди

ПАРИЖ, 5 январь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретарининг махсус сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Ральф Банч Леопольдвилга келди. Франс Пресс агентлиги мухбирининг Леопольдвилдан хабар беришича, Банч аэродромда олдиндан тайёрлаб қўйилган баённоти мухбирларга тарқатган. Баённотда айтилишича, Банч «сиёсий, ҳарбий масалаларни ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳозирда ва келгусида Конгода ўтказадиган операциялари билан боғлиқ бошқа масалаларни «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Конгода ўтказилаётган операция раҳбарлари билан муҳокама қилади.

КИНО

«АЛАНГАЛИ ЙИЛЛАР ҚИССАСИ»

Режиссёр ва кинодраматург Александр Петрович Довженко совет кинематографиясининггина эмас, балки жаҳон экран санъатининг ёркин юлдузларидан биридир. Унинг «Звенигора», «Ер», «Аэроград», «Шчорс» сингари ажойиб фильмлари жаҳон кино санъати хазинасига қўшилган дурдоналардан бўлди. Довженко ҳам сценаристлик, ҳам режиссёрлик талантини ўзида мужассамлаштирган йирик санъаткор эди. У бой адабий мерос қолдирди. Ижодий камолоти барқ уриб гуллаган даврда орамиздан бевакт кетган Довженконинг кўпгина бадиий сценарийларининг содиқ дўсти ва рафикаси, режиссёр Юлия Солнцева томонидан постановка қилинди. Довженко сценарийси асосида «Денгиз ҳақида поэма» деган машҳур фильмни яратган Ю. Солнцева машҳур кинематографиянг «Алангали йиллар киссаси» сценарийсини экранлаштириб, катта ижодий журъат намунасини кўрсатди. Улуғ Ватан уруши сўнггида ёзилган бу сценарийда совет халкининг ватанпарварлиги, ажойиб кишиларимизнинг инсоний фазилатлари кинематографик образларда ёркин философик фикрлар умумлашмасида мохирлик билан акс эттирилган. Режиссёр ундаги гоя, фикр ва образларни акс эттириш учун қулай форма топди, кино техника тараққиётининг янги ютуғи биринчи совет кенг форматли бадиий фильмини яратди. Кенг форматли экраннинг имкониятлари, унинг кенг кўлами, вокеаларнинг таъсирлилиги «Алангали йиллар киссаси» сценарийсида баён этилган лавҳаларни, кураш пафосини, ижобий қаҳрамонлар қалбининг ҳароратини атрофлича, чуқур очиб беришга хизмат қилди.

Бу асар 1961 йилда Канн шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кинофестивалда энг яхши режиссура учун берилганти мукофот билан тақдирланди.

Ҳозир Тошкент экранларида намойиш қилинаётган «Алангали йиллар киссаси» фильмининг кенг экранли варианти кўплаб томошабинларнинг эътиборини жалб қилмоқда.

Фильм совет кишиларининг гўзал маънавий қиёфасини очиб беради, уларнинг пўлат иродасини, севишган қалбларнинг латофатини, Ватанга бўлган муҳаббат алангасини, душманга нисбатан қаҳру ғазабнинг шиддатини кенг полотнода ўзгирос билан ҳикоя қилади.

Фильмда урушнинг алангали йилларини ўз бошидан кечирган совет халқининг баҳодирона образи, она-Ватан қиёфаси зўр реалистик куч билан талқин қилинган. Мана, Украина ерларида душманнинг ажал машиналари — оғир танклар ўрмалаб, ўлим ва вайронлик уруғларини сочмоқда. Турар жойлар, муҳташам саройлар, маданият ўчоқлари кўкка совурилмоқда. Аммо халқнинг иродасини букадиган, уни тиз чўктирадиган куч дунёда йўқ. Фашист галалари мактабга бостириб кириб, ўқитувчиларни, болаларни қул қилмоқчи бўладилар. Ўқитувчи, Рясний фашист офицери Шредерниг: «Мен сени ўлдираман», дея айтган сўзига жавобан: «Кўриб турибман. Ўзинг ҳам шу ерда ўласан. Лекин ажалинг етмаслан олдинроқ, сени ўлим йўлига судраганларга лаънат ўқийсан... Сендан ўлгудек жирканаман. Бунинг исботи учун болалар олдида юзингга тупираман», дейди. Бу саҳна сценарийда ҳам, фильмда ҳам зўр реалистик куч билан моҳирона талқин қилинган. Артист С. Лукьянов украин ўқитувчисининг иродасини жасурлигини, ҳақ ишга бўлган кучли ишончини ўлим олдида ҳам ҳаётга, озодликка, порлоқ келажакка имони комил эканлигини самимий, таъсирли бўёқларда талқин эта олган. Унинг қаршисидаги немис комиссари қонхўр, золим Шредер, мақтанчоқ генерал фон Бренкер, машъум сотқин Грибоевскийлар украин ерларини ҳар қанча топтаб, ҳар қанча ваҳшийликлар қилсалар ҳам, пировардида касоскор ҳалқ қўлига тушадилар, доно халқ символи — ўқитувчи Рясниийнинг қуёви, ўқувчилари, болалари судининг одил сўроқларига қўрқа-писа, найранглар ишлатиб, ялиниб ёлвориб, телбалардек галдираклаб жавоб беришга, адолатпарвар халқнинг ғалабаси муқаррар эканлигини тасдиқлашга мажбур бўладилар.

Шундай қилиб фильмда бошдан оёқ қарама-қарши фикрлар, контраст лавҳалар юзма-юз тўқнашади. Ўлим ва ҳаёт, тўқинлик ва озодлик, киргин ва туғилиш, вайронгарчилик ва яратувчилик, сотқинлик ва садоқат мотивлари курашади, биринчилари ҳар қанча даҳшатли, ваҳимали бўлиб кўринса ҳам, иккинчилари томонидан маҳв этилади, Украина ерларида яна янги ҳаёт барқ уриб, озодлик байроғи ҳилпирайди, деҳқонлар ер ҳайдаб тинчлик ҳосили уруғларини сочадилар. Ана шу ҳаёт-мамот кураши даврида элнинг доно оқсоқоли, тадбирли генерал Глазунов, иродали ўқитувчи Рясний, моҳир хирург Богдановский, довюрак солдат Иван Орлюк, болаларни жондан севувчи, қалби муҳаббатга тўлик, тамизли келин Ульна, Германияга зўрлик билан ҳайдаб олиб кетилган, тақдирнинг такозоси билан эрнинг порлоқ хотираси олдида ўзини гуноҳкор сезган, масъум гўдаги билан фарёд чеккан Мария сингари совет кишилари типик вакилларининг жилма-хил характерлари, турли тақдирлари намоён бўлади.

Режиссёр бу ролларни ижро этувчи талантли артистлардан ажойиб, яхлит ансамбль туза билган. Машҳур артист Б. Андреев ўйнаган генерал Глазунов доно, тадбиркорлиги, вокеаларни тўғри баҳолаши билан ажралиб туради. Айниқса артист Н. Винграновский ўйнаган солдат Иван. Орлюкдаги самимият, жўшкинлик, ирода кучи томошабинни мафтун этади. Днепр бўйидаги колхозлардан бирида агрономлик қилган, экин экишни, ҳосил ўришни, меҳнатни сенган бу йигит урушда ватанпарварлик, жасурлик, маънавий покликнинг юксак намуналарини кўрсатади. Бу образ Вася Теркиндек баҳодир совет солдатининг типик образи даражасига кўтарилди. Артистнинг баҳодирона қоматти, гўзал қиёфаси, нутқидаги жўшкинлик, чеҳрасидаги ёқимли табассум унинг фазилатларини намойиш қилиш билан бирга, бу образга мислсиз куч ва бадиийлик бағишлайди. Артист унинг душманга қарши жанглардаги матонатини, ёри билан бирга бўлгандаги гўзал лирик лавҳаларни, ғалаба ғоридаги масрурлигини бўрттириб берувчи ёркин бўёқлар топа билган. Айниқса госпиталь саҳнасида артистнинг маҳорати яққол намоён бўлади. Оғир ярадор Иваннинг тузалишидан умидини узган жирраг ундаги иродага, яшаш учун интилишга қойил қолади.

Фильмнинг яна бир зўр эпизоди Марияннинг майдон ўзра юксалган солдат ҳайкалига келиб илтижо қилиши, кечирим сўрашидир. Талантли артистка З. Кирненко бу кичик эпизодда бир умр эсда қоладиган таъсирли қиёфага киради.

Фильмда Довженко сценарийсидаги бой фикрлар, чуқур философик мушоҳидалар, вокеаларни таҳлил қилишдаги теран мулоҳазалар образлар тилидан усталик билан берилади. Бу эса томошабинни ўйлашга, мухокама юритишга мажбур этади.

Операторлар Ф. Проваров, А. Темерин, рассом А. Борисов кенг экранли асар учун мос экспозициялар танлашда, айниқса жанг эпизодларини беришда, каҳрамонлар психик ҳолатларини талқин этишда, халк оммаси кўп қатнашадиган саҳналарни суратга олишда чинакам новаторлик намуналарини кўрсатганлар. Гўзал Днепр бўйлари, бу дарё мавжлари, бу қоронғи майдон ўзра юксалган солдат хайкали, бу омонсиз жанг лавҳалари томошабин эстетик ҳисларини жўш урдириб юборади.

«Мосфильм», студиясида яратилган «Алангали йиллар киссаси» кенг форматли бадиий фильми совет солдати, совет халқи маънавий фазилатларини улугловчи ажойиб асар бўлиб, «Солдат ҳақида баллада», «Мусаффо осмон» сингари асарлар қаторидан жой олади.

М. ЯҲЕЕВ.

Омонат кассалар хизматидан фойдаланинг!

ҲАР БИР КИШИ ОМОНАТ КАССАГА ОЗ-ОЗДАН ПУЛ ҚУЙИБ, қимматли буюм сотиб олиш, курортга бориш, туристлик саёҳатига чиқиш учун

ЗАРУР МАБЛАҒ ТЎПЛАШИ МУМКИН

Омонат кассалари талаб қилиб олгунча сақланадиган, ютуқли, муддатли, шартли ва жорий счётга қўйиладиган омонатлар қабул қилади.

Омонатлар омонатчининг биринчи талаби билан берилади.

Шаҳарлардаги омонат кассалар омонатчиларнинг топшириғи г а мувофиқ квартира, электроэнергия, телефон, газ ҳақини ва бошқа тўловларини омонат кассадаги пуллари ҳисобидан ўтказиб берадилар.

Хоҳлаган ишчи, хизматчи ва колхозчилар иш ҳақининг ёки меҳнат кунлари даромадининг бир қисмини омонат кассага қўйдиришлари мумкин. Бунинг учун, иш жойидаги бухгалтерияга ариза ёзиб, қайси оконат кассага қайча сумма ўтказиш лозимлигини кўрсатадилар. Бу пуллар иллари очилган счётга ҳам, янги счётга ҳам қўйилиши мумкин.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КУЧАСИ, 26-УЙ.

Коммутатор — 26334, 33262, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258. Редакция телефонлари: Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221. Пропаганда — 31226. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р 06615. Индекс 64543. Нашр. № 6.